

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
Биринчи боб. Инглиз тилида турғун ибораларнинг шаклланиши	
1.1. Фразеология ва фразеологизмлар муаммоси.....	8
1.2. Мақол ва маталлар паремиологиянинг эмоционал образли манбалари сифатида	14
1.3. Турғун ибораларнинг тил луғат бойлиги шаклланишида тутган ўрни.....	25
Биринчи боб бўйича хулоса.....	35
Иккинчи боб. Инглиз тили фразеологизмларининг умумий характеристикаси	
2.1. Синонимия ва вариантдошликнинг турғун иборалар шаклланишида тутган ўрни	37
2.2. Фразеологияда антонимия ҳодисасининг ўзига хос хусусиятлари	46
Иккинчи боб бўйича хулоса	49
Умумий хулосалар	51
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	52

КИРИШ

Ўзбекистоннинг дунёдаги кўплаб давлатлар билан халқаро иқтисодий ва маданий алоқаларининг ривожланиб бораётган бу даврида чет тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ”жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интилаётган давлат учун хорижий тилларни мукамал билишнинг моҳиятини тушуниш мураккаб эмас, зеро бизнинг халқимиз ўз буюк келажagini хорижий ҳамкорлар билан ҳамжиҳатликда кўради” [2;138]. Шу боисдан, педагогика, филология каби фан йўналишларида ҳам дидактика, луғатшунослик, матн назарияси, таржимашуносликнинг янги асосларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш каби муҳим вазифалар турибди. Мана шу вазифаларни ҳал қилиш ҳақида сўз юритар экан, И.А.Каримов, “Эндиликда адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан ғарб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур. Бунинг учун хорижий тилларни, адабиёт ва бадиий таржима санъатининг назарий ва амалий жиҳатларини ҳар томонлама пухта эгаллаган мутахасисларни тайёрлаш имконияти бизда мавжуд” деган фикрларни таъкидлаб ўтади [2;139].

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ижтимоий ривожланишнинг миллий модели ҳақида сўз кетганда, жаҳон маданияти ва илм-фани тараққиётидан бохабар бўлган, бебаҳо миллий маданиятимиз сарчашмалари билан қалблари лиммо-лим тўлган, ўз юртининг ҳақиқий ватанпарварлари бўлган, зиёли ҳамда ғайратли, шижоатли ёшларни тарбиялай билган мамлакатгина ривожланган, гуллаб яшнаган буюк келажакни ярата олиши ҳақида таъкидлаб ўтади [3;154].

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳам худди шу мақсадлар йўлида ишлаб чиқилган. Мазкур дастурда юксак умумий ва профессионал маданиятга эга бўлган, ижтимоий ва ижодий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётга мустақил мослаша оладиган ва ўз олдига улкан мақсадларни кўя биладиган

хамда уларни амалга ошира оладиган янги авлод кадрларини етиштириш йўллари ёритиб берилган.[4;61].

Мазкур битирув малакавий иши инглиз тилида фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятларини семантик структурал жиҳатдан тадқиқ этишга бағишланган.

Мавзунинг долзарблиги яна шу билан асосланадики, тил семантикасини ўрганиш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилган бўлсада, унинг айрим жиҳатлари ҳозирга қадар етарли даражада ўрганилган эмас. Тил деривацион имкониятларининг луғатларда акс эттирилиши ва фразеологик бирликларни семантик жиҳатдан талқин этиш ҳам шулар жумласига киради. Фразеологик бирликлар табиатининг мураккаблиги боис, ҳозирга қадар амалга оширилган тадқиқот ишларида асосан фразеологик бирликларнинг ҳосил бўлиш йўллари ўрганилгани ҳолда уларнинг мазмундорлиги, маъно моҳияти лингвистик жиҳатдан тўла тадқиқ этилмаган. Тадқиқот ишида инглиз тили фразеологизмларининг семантик-структурал хусусиятлари батафсил кўриб чиқилади ҳамда уларнинг луғатларда қай тарзда акс эттирилиши ўрганилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган масалалар мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Масаланинг ўрганилганлик даражаси. Фразеологик бирликларни тилнинг узвий ажралмас бўлаги сифатида кўриб чиқиш фразеологиянинг умумий ва ўзига хос қонуниятларини мукамал ўрганиб чиқишни талаб этади. Фразеологик бирликларнинг семантик стилистик хусусиятларини таҳлил қилиш, барчага маълумки, жуда ҳам кенг қамровли соҳадир. Бу масалани луғатлар билан узвий боғланган ҳолда ўрганиб чиқиш масаласи ҳозирга қадар ижобий ҳал этилмаган.

Социолингвистика, умумий тилшунослик йўналишидаги айрим тадқиқотлар ишлари ҳам бу масалага бағишланган, аммо бу тадқиқотлар одатда умумий характерга эга бўлиб, фразеологик материалларга кам мурожаат этилган.

Тадқиқот ишининг **мақсади** фразеологик бирликларнинг семантик стилистик хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларнинг маъно моҳиятини очиб беришда замонавий луғатларнинг тутган ўрнини таҳлил қилишдан иборат.

Ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот олдида қуйидаги **вазифалар** турибди:

1.Инглиз тили фразеологик бирликларининг семантик стилистик хусусиятларини аниқлаштириш.

2.Фразеологияда семантик муносабатларни моделлаштириш ва уларнинг турли хил луғатларда акс этиш қонуниятларини таҳлил қилиш.

3.Фразеологизмлар мазмунларини номинатив нуқтаи назардан тадқиқ этиш.

4. Инглиз тили мақолларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш.

Тадқиқот ишининг методологик асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов асарлари ҳамда умумий тилшунослик, стилистика, лингвопрагматика, фразеология, фразеография, психоллингвистика йўналишларида бир қатор етакчи олимларимиз (Ю.Ю.Авалиани, Н.Н.Амосова, Н.Д.Арутюнова, Т.А.Бушуй, И.Р.Гальперин, С.Н.Денисенко, Б.Й.Йўлдошев, А.В.Кунин, А.Маматов, И.М.Оницканская, М.И.Расулова, Л.И.Ройзензон, Л.П.Смит, В.Н.Телия, Н.К.Турниязов, М.И.Умархўжаев, Т.А.Dijk, P.Roberts, S.R.Searle, W.Tones ва бошқалар) асарлари хизмат қилди.

Ишнинг мақсад ва вазифалари **тадқиқот усуллари**ни белгилаб беради. Ишда фразеологик идентификация, дефиницион анализ, контекстуал анализ, қиёсий-чоғиштирама ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот ишининг **предмети** сифатида мақоллар ҳамда фразеологик бирликларнинг семантик механизми ва уларнинг луғатларда акс этиши кўриб чиқилади.

Тадқиқот **объекти** сифатида энг аввало инглиз тилининг образли, экспрессив ва эмоционал фразеологик бирликлари ва мақоллари олинган.

Тадқиқот **материали** сифатида фразеологик бирликлар, мақоллар, маталлар хизмат қилди. ФБлар мақоллар тўплами, ҳикматли сўзлар тўплами, фразеологик луғатлар, изоҳли луғатлар ва бошқа луғатлардан олинди.

Тадқиқот иши назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, бунда мақоллар ва фразеологик бирликларнинг семантик стилистик хусусиятларини, уларнинг луғатларда акс этиш жараёнини чуқур таҳлил қилиш паремиологияда системали алоқаларнинг вужудга келишига омил бўлади. Бу ишнинг асосий назарий ютуғи ҳисобланади. Бундан ташқари, фразеологизмларнинг номинатив жиҳатини ўрганиш бизга ономасиологик тадқиқотларнинг янги, ҳали яхши ўрганилмаган соҳасини яъни номинация умумий назариясини ўрганишга кенг йўл очиб беради ҳамда у ҳақидаги маълумотларнинг кўпайишига олиб келади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижаларидан ҳорижий тиллар факультетлари бакалавр ва магистрантларига дарс бериш жараёнида, инглиз тили фразеологияси бўйича назарий курслар тузишда, лексикография ва фразеография амалиётида, махсус фразеологик қўлланмалар тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг гипотезаси. Ўзига хос хусусиятларга эга бўлган фразеологик бирликларнинг луғатларда акс эттирилиш принципларини ўрганиш матн шаклланиши, коннотатив тузилиш, меъёр нуқтаи назарларидан фразеологиянинг келгуси ривожланишидаги турғун қонуниятларни аниқлаштириб олиш учун ҳам зарур ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг ҳимояга олиб чиқиладиган асосий хулосалари

1. Келиб чиқишига кўра, фразеологик бирликларлар турли хил манбаларга мансубдирлар; уларнинг семантик ва структурал ривожланиши коннотатив маънодорликка эга бўлган, тўлиқ шаклланган фразеобирликнинг пайдо бўлишига хизмат қилади.

2. Фразеологизмларнинг стилистик хусусиятлари асосан уларнинг қуйидаги уч ўлчамдаги функционал ўрни билан белгиланади. Булар: а) вақт, б) макон ва в) жамият.

3. Фразеологизмлар мунтазам хусусиятларга эга бўлиб, ўзларининг инвариант белгиларига кўра, бир-бири билан ички фразеологик муносабатларда бўлишиб, ўз ичига турли ҳажмлардаги бирликларни қамраб олган фразеогуруҳларни ташкил қилади.

Тадқиқот ишида ўрганилиши керак бўлган вазифалар унинг структурасини белгилаб беради. Битирув малакавий иши Кириш, 2боб, Хулоса ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I Боб. Инглиз тилида турғун ибораларнинг шаклланиши

1.1. Фразеология ва фразеологизмлар муаммоси

Ҳар қандай тилнинг луғат бойлиги фақат янги сўзлар ясалишигагина эмас, балки балки иборалар, турғун сўз бирикмалари ҳисобига ҳам сон жихатидан, ҳам сифат жихатидан бойиб боради. Тидаги ана шундай турғун бирикмалр билан “дунёси” билан шуғулланувчи фан фразеология фанидир. [14;79].Фразеология иборалар ҳақидаги таълимот бўлиб, бу терминни 1928 йилда Е.Д.Поливанов қўллаган эди: ”Мен морфологияга нисбатан синтаксис қандай алоқада бўлса, лексикага нисбатан худди шундай муносабатга киришувчи махсус фанни “фразеология” деган терминни қўллашни лозим топдим” [11;19].

Дарҳақиқат, сўнгги ярим аср давомида фразеология жаҳон тилшунослигининг диққат марказида бўлди.бир қатор моногрфик илмий изланишлар натижасида унинг объекти аниқланди, тадқиқот методлари ишлаб чиқилди ва бу фан тилшуносликнинг бошқа соҳалари қаторида ўз ўрнини шакллантирди. Ҳозирги кунда бу термин икки маънода қўлланилмоқда.

1. Тилдаги фразеологик бирикмаларнинг жами;
2. Турғун ибораларни ўрганувчи соҳа, фан.

Сўнгги йилларда кўплаб тиллар материаллари асосида олиб борилган кенг кўламли фразеологик тадқиқотлар натижасида фразеологизмлар куйидагича таърифланмоқда.

Икки ёки ундан ортиқ компонентдан ташкил топган, яхлит фразеологик маъно англатувчи турғун тил бирлиги фразеологизм ёки фразеологик бирикма (ибора) дейилади. Масалан, инглиз тилида a feast or a famine [“катта омад ёки бутунлай омадсизлик”]; think on one’s feet [“тезда тушуниб етмоқ”]; “дарҳол жавоб қайтармоқ”], put on the grill [“киришиб кетмоқ”, “қийноққа солмоқ”]; be (all) at sixes and sevens [“тартибсиз ҳолда бўлмоқ, хароба ҳолда бўлмоқ ”]; set on six and seven, set on cinque and sice [“ энг катта номерга пул

тикиш яъни барча нарсани ўртага қўйиб таваккал қилиш”] каби иборалари бунга мисол бўлади.

Ғарб тилшунослари орасида Ш.Балли биринчилардан бўлиб 1905 йилда фразеология терминини қўллаган. У фразеологизмларни стилистик нуқтаи назардан тилнинг ифода бирлиги сифатида талқин қилган. XXасрда фразеологизмларни тадқиқ қилган олимлар орасида В.В.Виноградовнинг семантик классификациясини таъкидлаб ўтиш лозим. Олим рус тили фразеологиясини семантик классификация қилди ва мазкур классификация кўплаб тиллар фразеологизмларни жадал ўрганишга туртки бўлди. Ушбу ўринда инглиз тили фразеологияси тадқиқотчилар Н.Н.Амосова, А.В.Кунин, немис тили фразеологияси тадқиқотчиларидан И.И.Чернышёва, А.Д.Райхштайн, француз тили фразеологияси тадқиқотчиларидан М.И.Рецкер каби олимларнинг назарий ва амалий изланишларини алоҳида тилга олиш лозим.

Фразеологизм сўз каби луғавий бирлик ҳисобланади. Улар ҳам сўз каби тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлганлиги сабабли нутқ ҳодисаси эмас, балки тил ҳодисасидир. Сўз лексик маънога эга бўлгани каби фразеологизм ўам ўзининг фразеологик маъносига эга. Сўздаги барча парадигматик, синтагматик хусусиятларни фразеологизмларда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Шу билан бирга фразеологизмлар сўз ва эркин сўз бирикмасидан бир қанча хусусиятлари билан фарқланади. Масалан, фразеологизм фразеологик сатҳ элементи, бирлиги сифатида фразеология ва фразеография объектидир. Фразеологияни ташкил этувчи компонентлар маъно бутунлигига эга эмас, улар фақатгина шакл ва товуш томони билан сўзга ўхшайди. Уларни ташкил қилувчи компонентларнинг фразеологик маъноси турғун, кўпроқ эмоционал экспрессив хусусиятга эга бўлган белги, ҳаракат кабиларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам фразеологик маъно лексик маънодан бир қанча жиҳатлари билан фарқланади. Аксарият фразеологизмларнинг идентификатори мавжуд эмас, яъни мазкур фразеологизм ифодалаб келаётган маъносини бир сўз билан алмаштириб

бўлмайдими ҳамда бу маъно эркин сўз бирикмаси билан изоҳланиши мумкин холос.

Тиллардаги турғун ибораларнинг илмий таснифи биринчи навбатда, фразеологизмларга берилган атамаларни тартибга солишдан иборат бўлиши керак. Тилшуносликда турғун сўз бирикмаларини ифодалаш учун турли терминлардан фойдаланилмоқда. Мазкур ҳолат ушбу турғун сўз бирикмалари табиатининг мураккаблиги боис юзага келмоқда. Улар семантик, структурал ва функционал жиҳатдан мураккаб саналишади. Шунга кўра, фразеологизмлар структурал-семантик, стилистик, семантик, комплекс, гапдпги синтактик функцияси ва бошқа принциплар асосида классификация қилинади. Анъанавий классификация усулларида бири сифатида структурал-семантик тамойил асосидаги классификация тан олинади. Унга кўра турғун сўз бирикмалари жуфт сўзлар, идиомалар, ҳикматли сўзлар (афоризмлар), мақолларга бўлинади.

Жуфт сўзлар бир хил сўз туркумига тегишли бўлган бирликлардан ташкил топган турғун фразеологик маъноли иборалар саналади. *back and forth* [“яна ва яна, изчил, майда чуйдасигача”]; *backward(s) and forward(s)* [“изчил, икир чикиригача, орқа олди билан”]; *do and don't's* [“қоидасига кўра”]; *between grass and hay* [“ёшликда” маъносида]; *open and shut* [“оддий, мураккаб бўлмаган”] каби турғун бирикмаларни жуфт сўзларга мисол қилишимиз мумкин.

“Идиома” термини грек тилидан олинган бўлиб, ҳақиқий, асл деган маъноларни ифодалайди. Идиомалар турғун иборалар бўлиб, воқеа, ҳодиса ва предметларни ифодали тасвирлаш мақсадида ишлатиладиган, маъноси уларни ташкил қиладиган компонентлар маънолари йиғиндисидан келиб чиқмайдиган, янги фразеологик маъно касб этувчи турғун бирикмалардир. Баъзи бир идиомалар маъноси бошқа бир сўз билан ҳам ифодаланиши мумкин, лекин идиомадаги коннотатив маъно, стилистик ўзига хослик мазкур синоним сўз билан тўла қамраб олинмайди.

Ҳикматли сўзларнинг асосий хусусиятлари уларнинг маъноси, интернационал характери, маълум бир муаллифга тааллуқли билн ҳам белгиланади. Ҳикматли сўзларни ўтмиш донишмандлари, замонамизнинг атоқли арбоблари келтирган афористик мулоҳазалар, шиорлар, лўқмалар, цитаталар ташкил этади. Уларнинг мана шу хусусиятлари турғун иборалар сафидан жой олиш учун асосий мезон ҳисоланади. Вақт ўтиши билан баъзи хоссалари эскириб қолса ҳам улар тилда турғун ибора сифатида сақланиб қолади. Мақоллар ҳам фразеологизмларнинг бир тури бўлиб, улардан шакл ва мазмуни билан фарқ қилади. Одатда улар гап структураси каби шаклланади ҳамда ҳикматомуз жилоли фикрни ифодалайди. Мақоллар билан фразеологизмларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, биринчидан улар структурал турғун, умумий кўчма маънога эга, тилдаги мустақил бирлик сифатида мавжуд. Юқорида таҳлил қилинган бирикмаларнинг анъанавий тўрт гуруҳи ягона бир принцип асосида, жуфт сўзлар ва мақоллар структура нуқтаи назаридан фарқланади. Ҳикматли сўзларнинг ҳам структурал, ҳам семантик жиҳатдан ранг баранглиги уларни бирон аниқ принцип асосида кўриб чиқишни қийинлаштиради. Бундан ташқари, тиллардаги бир қатор туғун бирликлар-фразеологизмлар ушбу тасниф орқали қамраб олинмаган.

Таъкидлаб ўтганимиздек, В.В.Виноградовнинг рус тили фразеологизмлари асосида яратилган семантик классификацияси кўплаб тиллардаги турғун бирикмалар таснифини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Аниқроқ айтганда, олим яратган классификация воситасида фразеологизмларнинг бошқа тилларда ҳам уч гуруҳи мавжудлиги исботланди [23;57]. Ушбу классификацияга кўра, фразеологизмлар қуйидагича таснифланган:

1. Фразеологик чатишмалар. Ушбу гуруҳга тўла кўчма маънога эга бўлган, семантик жиҳатдан қисмларга ажралмайдиган ва умумий маъноси бирикмани ташкил этувчи компонентларнинг лексик

маъносидан келиб чиқмайдиган тил бирликлари киради. Масалан, *to kick the bucket, everything is at sixes and sevens* =всё вверх дном.

2. Фразеологик бирликлар. Ушбу гуруҳга яхлит кўчма маънога эга бўлган иборалар киради. Уларнинг фразеологик чатишмалардан фарқи шуки, умумий маъноси ташкил этувчи компонентлар маъносидан келиб чиқиши мумкин. Масалан, *like a cat in a strange garret* [ўзини ноқулай ҳис этмоқ, игнани устида ўтирмақ маъносида].
3. Фразеологик бирикмалар. Ушбу гуруҳга қисман кўчма маънога эга бўлган, маъно мотивацияси мавжуд, синтрактик нуқтаи назардан таркибий қисмлари осонгина ажратилиши мумкин бўлган бирикмалар киради. Бундай бирикмалар компонентлари синонимлар билан алмаштирилиши ҳам мумкин. Мисол учун, *jerk (ёки snatch) smb. bald-headed* [“ким биландир кўпол муомалада бўлмоқ”, “кимдандир ўч олмоқ”]; *come (ёки get) down to cases* [“гапнинг пўскалласини айтмоқ”, “ишга кўчмоқ”]; *fix (ёки stop) smb’s clock* [“кимнингдир овозини ўчирмоқ”]; *be (ёки sit) on a cloud* [“жуда бахтли ҳис этмоқ”].

И.И.Чернышева турғун сўз бирикмаларининг бир вақтнинг ўзида ҳам грамматик, ҳам семантик, ҳам стилистик хусусиятларини инобатга олувчи комплекс тамойилларни ишлаб чиқди. Бунга кўра бир томондан фразеологизмларнинг сўздан фарқи аниқланса, иккинчи томондан уларни фразеологик хусусиятга эга бўлмаган турғун сўз бирикмаларидан ажратиб олиш мумкин бўлади.

Турғун сўз бирикмаси албатта камида иккита сўздан иборат бўлиши керак. Бу жараёнда фразеошакл таркибидаги компонентлар ўз мўътадиллигини сақлаган ҳолда, у ёки бу ўзгаришларга юз тутишда маҳрум бўлишлари мумкин. Қуйида равиш сўз туркумига хос бўлган сўзларнинг фразеологизмлар шаклланишида тутган ўрнини кўриб чиқамиз:

He realized that ... he was sailing rather close to the wind financially... (Th.Dreiser).

... he's sailing near the wind with those large contracts that he makes (J.Galsworthy).

He didn't buy a programme - they were asking a shilling each for them and a man must draw a line somewhere (J.B.Priestley).

He was drunk ... rotten drunk. A follow's got to draw the line somewhere (A.J.Cronin).

Мисоллардан кўриниб турибдики, фразеологик бирликлар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган бирликлардир. Улар икки ёки ундан ортиқ компонентларга эга. Натижада фразеологизмлар ўз маънолари, таркиби ва структурасига кўра бир бутун турғун шакл сифатида қабул қилинади. Бундан кўриниб турибдики,

1. Фразеологик бирликлар нутқ жараёнида яратилмайди, балки улар тилда тайёр ҳолда бўлади;

2. Таркибий қисмларининг бир бутунлиги, структураси ва семантикасининг доимийлиги фразеологик бирликларга хос бўлган хусусият саналади;

3. Фразеологик бирликларнинг таркибий қисмлари икки ёки ундан ортиқ асосий урғуга эга бўлиши мумкин;

4. Фразеологик бирликлар сўзловчи томонидан сўз сифатида англаниши мумкин бўлган алоҳида бўлақлардан ташкил топган турғун бирикмалардир.

1.2. Мақол ва маталлар паремиологиянинг эмоционал образли манбалари сифатида

Барчага маълумки, ҳар бир тил паремиологиясини яъни турғун сўз бирикмаларини ўрганувчи соҳасини мақол ва маталларсиз тасаввур этиш мушкул. Тилшуносликда мақол ва матал тушунчаларига турлича таърифлар берилган. Мақол ва маталлар тилнинг эмоционал образли манбалари ҳисобланади. Яъни, мақоллар халқнинг панд - насиҳати, маънавий, ахлоқий ҳулосаси, халқ миллий руҳининг аксидир. Мақол жуда чуқур ижтимоий мазмунга эга. Шунинг учун баъзи мақоллар бутун бир асарнинг мазмунию ёритиб туриши мумкин.

Мақоллар қисқа шаклда кенг мазмунни очиб берадилар. Бундай қисқаликка гапнинг айрим бўлақларини ишлатмаслик натижасида эришилади.

Масалан,

“Олдин уйла - кейин суйла”. (First think - then speak)”.

“Ҳечдан кўра - кеч яхши”. “Better late than never”.

“He laughs best, who laughs last”.

***“Бировнинг ҳолига кўлмагин зинҳо,
. сенинг ҳолингга ҳам кўлвчилар бор”.***

“A great ship asks deep waters”.

“Катта қарвонга - катта йўл”.

Мақол ва маталларнинг муҳим томони уларни оддий фикр - мулоҳазалардан ажраб турувчи нарса, уларнинг семантикасидир, яъни бунда икки маънонинг тўқнашуви, чатишувини кузатиш мумкин, асл маъно ҳамда кўчма маъно.

Масалан, “Пуч ёнғоқ билан қўйнингни тўлдирма”, “Икки оёғини бир этикка тикмоқ”.

Мақолларнинг тузилишида аллитерациянинг аҳамияти каттадир. “Томдан тараша тушгандай» . Мақол ва маталларда стилистик усуллардан такрор ва параллелизмнинг ҳам таъсир кучи катта.² Масалан, ўзбек тилида

“Яхши сўз - жон озиғи, ёмон сўз - бош қозиғи”.

“Қор ёғди - дон ёғди” каби мақоллар шулар жумласидандир.

Бу инглиз тилида шундай акс эттирилади.

“A good beginning makes a good ending!”.

“Eat at pleasure, drink with measure”. “No gains, no pains”.

Л.Бобохонова фикрига кўра, сентенциянинг мақолдан фарқи, уни одатда маълум шахсга тегишли бўлади холос [17;81].Бундан ташқари, сентенция адабий, китобий хусусиятга эга. Мақол сингари уларда насихатгўйлик, образлилик, ихчамлик, умумлаштирувчилик мавжуд бўлиб матнда эркинлигини сақлайди ва матндан ташқи ҳолатда ҳам ўзининг бир бутунлигини, яхлитлигини йўқотмайди.

“A clear conscience makes a man very happy” (I. Murdoch).

“Sweet is revenge, especially to women “(G . Byron).

“A little learning is a dangerous thing”(A. Pope).

“A sound mind in a sound body”.

“Better late than never”.

“Дунёда тилсиз халқ бўлмаганидек, мақолсиз тил ҳам йўқ”, - деб кўрсатади татар ёзувчиси Ноқий Эсанбат.

Халқ ижодиётининг ўзига хос жанри оғзаки нутқда ҳам, ёзма адабиётда ҳам турли атамалар билан номланади: мақол, матал, нақл, масал, ҳикматли сўзлар, афоризмлар, ота-боболар сўзи, донолар сўзи ва ҳоказо. Булар орасида мақол атамаси кенг қўлланилади.

Мақол - халқ ақл-идрокининг маҳсули, унинг ҳукми, кўп асрлик тажрибалари мажмуи, турмушдаги турли воқеа - ҳодисаларга муносабатининг ифодасидир. Мақол - кундалик ҳаётда, кишиларнинг бир -

бирлари билан муомалада бўлиши жараёнида туғилади. Халқ мақоли - халқнинг мулкидир.

Мақол қайғуси - халқ қайғуси, мақол ғазаби - халқнинг ғазаби, мақол кулгуси- халқ кулгуси ва мақол кинояси - халқ кинояси демакдир. Мақол ишлатмаган биронта халқ, мақол ижод қилмаган биронта тил йўқ.

Мақоллар борки, ширин панд - насиҳат қилади, ақл ўргатади, мард ва ботир бўлишга даъват этади; аччик, айбингизни дангал юзингизга айтади, порахўр, муттаҳам, ёлғончи, ўғри, лўттибоз, иккиюзлама, хушомадгўй, лаганбардор, қаллоб одамнинг жазосини беради: аччиқ алам қилдирадиган сўзлар билан пичинг қилади, араз ва киноя аралаш бошлаб адабини беради.

Мақол халқ орасида кун сайин туғилиб турганидек, ота - боболар сўзи сифатида авлодлардан - авлодларга мерос бўлиб ўтади. Бу меросни халқ жуда эҳтиёт билан кўз қорачидай сақлайди.

Ҳар бир мақол ҳам маъно, ҳам шакл, ҳам стилистик функцияси жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга. Лекин шунга қарамай, ҳамма мақолларда халқ ҳикмати ётади.

Мақол турмушда синалаган, маълум эзгу, тугал, умумий маъно англатувчи, ихчам бир шаклдаги халқ ҳикматидир.

Мақол- сўзнинг кўрки, нутқнинг ўткир қуроли, халқнинг донишмандлигидир.

Мақоллар биз учун асрнинг садоси, узоқ ўтмиш билан ҳамнафаслик ҳиссини уйғотувчи мангу чақириқ замонлараро кўприқдир. Мақоллар - номаълум шоирларнинг юрак сатрлари, халқ истеъдодларининг масофа билмас шуълалари, зулм, адоват, ҳақсизлик кўкрагига санчилувчи адоват тифидир.

Мақоллар - ҳеч бир подшо эълон қилмаган фармон, ҳеч бир президент муҳрламаган қонун, ҳеч бир давлат томонидан битилмаган конституциядир.

Мақоллар камида битта гапга тенг келади, ҳукм характерида бўлиб, тугал фикр ифодалайди, ўзи грамматик кўрилиши жиҳатидан ҳам доим гапга

тенг бўлади. Улардан англашиладиган мазмун фақатгина тасвирий йўл билан очилади.

Масалан:

“Дарахт бир жойда кўкаради-хаётингни ўтказиб турган ерингнинг шарт-шароитига кўник. Агар бу шарт-шароитларни ёқтирмай, иссиқ ўрнингни ташлаб, яхшироқ ерни қидириб кетсанг, барибир кадр-қиммат топа олмайсан. Ўз ерингга қаноат қилсанг, бора-бора камолга етасан, шундайликча қолиб кетмайсан, биринг икки, ёмонинг яхши бўлади”.

“Матал - тилда луғат билан ёнма-ён турувчи сўз оборотлари, бўлинмас сўз бирикмасидир. Мақол сўзининг луғавий маъноси - ўта донолик, ақл-заковат билан оқилона айтилган, миҳлаб -қўйиладиган, ўзгартириб бўлмайдиган чуқур маъноли гап, демақдир. Матал - воқеа-ходиса, предмет ҳақида образли ифода бўлиб, фикр ва муҳокаманинг тугал натижасини эмас, балки уларнинг элементларини кўрамаиз. Бу элементлар образли ифодалар бўлиб, улар кўчма маънода ишлатилади. Матал битта жумладан иборат бўлиб, мақолдаги сингари қофияси йўқ”[48,27].

Ўзбек тилида маталларни мақоллардан шакл ва мазмун жиҳатдан фарқларини кўрсатиб, таърифлаб берган Т. Саломов шундай дейди,- “Матал нарса ва ходисаларни образли ифодаловчи ибора ва нутқ оборотларидир”[48,39].

Матал сўзловчининг ўз нутқи мазмунига муносабатини ифодалайди. Матал кишининг хотирасида осонлик билан сақланиб қолади. Шунинг ҳам айтиш керакки, мақол ва маталларда қандайдир бир умумийлик бор.

Бу умумийлик шундан иборатки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам нутқ таъсирчанлигини ошириш, фикрни тайёр нутқ формулалари билан ифодалаш ва мазмундор қилиш ниятида ишлатилади. Шунинг учун мақол ва маталларни бир биридан фарқлаш анча кийин.

Лекин тугал фикрни бевосита ифодаловчи мақоллардан маталларни фарқламоқ керак. Матал айтилмоқчи бўлган фикрни бирор восита орқали кўчма маъноли содда жумла бўлиб, унда хулоса бўлмайдиган, балки унинг ўзи

бирон хулоса чиқариш учун хизмат қилади. Матал фикрни тугал баён қилмай, балки унга ишора қилади [37;93].

Матал **“ахлоқ одам”** дейиш ўрнига **“Унинг бир қайнови кам”** дейди: **“ўлар бир-бирига жуда ўхшайди”** дейиш ўрнига **“ўлар бир оломнинг икки палласидир”** деб айтади.

Матал кўчма маънода қўлланувчи халқ мажозий иборалари. Воқеа-ходисалар, ҳолат ва ҳаракатларни образли ифодалашда маталлар кенг қўлланилади.

Маталда педмет тасвири, унинг характеристикаси берилади. Мақолда эса тўла тугалланган фикр-хулоса ифодаланади.

“Мақоллар ҳам тўғри, ҳам кўчма маъноларда қўллана олиш имкониятига эгадир. Маталлар... локал қўлланиш чегарасига эга бўлиб, улар ҳеч қачон миллатлараро истеъмол доирасида учрамайди”.²

Матал нутқда ахборот бериш воситаси бўлса, мақол шу ахборотни жонли тимсолларда етказиш, уни далиллаш, исботлаш воситаси сифатида қўлланилади. Масалан, матал:

Хавф-хатардан кўрққан мақсадга ета олмас.

Шу маънонинг мақолларда ифодаланиши:

Чумчуқдан кўрққан тариқ экмас.

Ўғридан кўрққан мол йиғмас.

Учкундан кўрққан темирчи бўлмас.

Кучукдан кўрққан гадо бўлмас.

Ҳар қандай шароитда ҳам маталларнинг мазмуни ўзгармай аслича қолаверади

Меҳнатнинг айби йўқ.

Мақоллар тимсоллар воситасида иш кўрар экан, жамият ҳаёти, халқ турмуши билан боғлиқ ҳолда уларнинг тимсоллари тизмаси - шакли ўзгариб туради:

Бир қинга икки қилич сизмайди.

Иккита қўчқорнинг боши битта қозонда қайнамайди.

Демак, мақоллар жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ экан, уларда халқ кечинмалари бор бўй-басти билан намоён бўлади.

Мақол ва маталнинг бир - бировига яқнлигини рад қилиб бўлмайди.

Улар структура ва семантика жиҳатдан аниқ чегараланмаган. Шунга қарамасдан, мақол ва маталларга хос баъзи бир хусусиятларни кўрсатиш мумкин. Мақолларнинг структура ва семантик нуқтаи назаридан яққол кўзга ташланиб турганлиги сабабли уларни бошқа фразеологик бирикмалардан фарқлаш қийин эмас.

Мен қуйида иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мақол ва маталларга хос белгиларни айримларини эслатиб ўтмоқчиман.

Мақолларга хос белгилар:

1. Мақоллар тугал фикрни бевосита ифодалайди.
2. Сўзлар бир-бирига қофияланиб келади.
3. Қарама-қарши маъноли сўзлар ишлатилади.
4. Мақоллар мажозий маънода ишлатилади.
5. Мақолларнинг структураси кўпинча кўшма гап структурасига ўхшайди.
6. Мақоллар контекстда мустақил гап ёки кўшма гапнинг бир қисми сифатида келади.

Маталларнинг структураси бир томондан содда гап структурасига тенг бўлса, иккинчидан уларнинг структураси сўз бирикмаси структурасига ўхшайди, шунинг учун ҳам маталларни бошқа турдаги фразеологизмлардан ажратиш қийин.

Маталларга хос белгилар:

1. Матал кўчма маъноли содда жумла ва ундан хулоса бўлмайди.
2. Матал фикрни бирор восита орқали ифодалайди.
3. А.В.Куниннинг фикрича, матал мақол билан боғлиқ бўлишига ёки бўлмаслигига қарамасдан, фақат коммуникатив фразеологик бирикмага нисбатан ишлатилади.

4. Кўп маталлар таркибидаги олмошларни ўзгартириши мумкин, мақолларга эса бундай ўзгаришлар хос эмасдир.

Бугунги кунда мақол ва маталлардан фойдаланмаган бирор кишини учратиш қийин. Ўзаро муносабатда мақоллардан ўринли фойдаланиш амалий аҳамият касб этади: фикр чўзилмайди, воқеа ва ходисалар атрофлича тасвирлашга муҳтож бўлмайди, фикрда қиёслаш, образлилик устун бўлади.

Сўз кўрки бўлган мақол ва маталлардан фойдаланиш ҳар бир қалам аҳлининг сўз бойлигини орттиради, унинг нутқини ўткир ва таъсирли қилади, унга бадиий жиҳатдан сайқал беради.¹

Мақоллар публицистикада, илмий-оммабоп матнларда ва айниқса, бадиий асарларда кенг қўлланади. Улар персонажлар нутқий тавсифида, нутқнинг услубий таъсирчанлигини оширишда муҳим восита ҳисобланади. Мақол ва маталларининг “Услубий вазифалари хилма-хил ва ранг-барангдир, уларнинг айримлари “табиий”, мақолларнинг ички табиатидан келиб чиқади. Қолганлари эса индивидуал ҳарактерга эга бўлиб, у ёки бу сўз санъаткорининг эстетик мақсади, ҳоҳиш иродаси, тил воситаларидан фойдаланишдаги маҳорати билан алоқадордир. Шулардан биринчисини мақол ва маталларнинг **лисоний (узуал)** услубий вазифалари деб, иккинчисини эса **нутқий (оқказионал)** услубий вазифалари деб номлаш мумкин”[23;48].

Маталда ўхшатиш, таққослаш, киноя, қочириқ сўз каби бадиий воситалардан фойдаланилади.

Мақол таркибидаги сўзларнинг бир-бирига қофияланиб келиши бу аллитерация, яъни сўзлар таркибидаги ундошларнинг уйғунлашиб, такрор келиши, қарама-қарши маъноли сўзларнинг бирикиши ҳам мақолларнинг шакл хусусиятларига хос белгилардандир. Масалан,

Ой тунда керак, Ақл кунда керак.

Мақолда антитеза ходисаси кўп учрайди. Масалан,

Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл.

Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади.

Қуйида А.В.Куниннинг инглиз тилида ажратган тўртта асосий структур - семантик турдаги маталларидан фақат уч турдаги маталларнинг ўзбек тилига услубий жиҳатдан таржимаси масалаларини кўриб чиқамиз.

1. Компонентлари бир-бирига доимий тобе маталлар бўлиб, бундай маталлардаги компонентларни ўзгартириб бўлмайди ва бошқа сўзлар қўшиш йўли билан уларнинг маъносини кенгайтириш мумкин эмас. Масалан:

“That's a horse of another colour”, he laughed. (J. London).

“Of, see that's a horse quite another colour, and alters the case entirely”. (T. Lyeh, Sland, Phrase and diom on Coloquial English and their use).

Бу мисоллардаги that is a horse of another colour (муқобил варианты that is another pair of shoes) матали ўзбекча - бу бутунлай бошқа гап деб таржима қилинади.

“ You are noblest que I never met”. “Its (be other way around. The shoe is on (be other foot”. (S. Behow). “But (be story was grand just (be same, perfect grand. Where are you going - Мисолларда - (be shoe is on (be other foot матали ўзбекчага - Вазият ўзгарди - каби таржима қилинади.

“The answer is a lemon”- бу найрангинг кетмайди, каби маталлар инглиз ва ўзбек тилларида ўз ҳолича гап ёки қўшма гапларнинг таркибида келиши мумкин. Ҳамма юқорида келтирилган мисоллар содда гаплардир.

Маталларнинг кўп қисми содда гап бўлишига қарамадан, улардан баъзилари эргаш гап ҳам бўлиб келади.

Масалан, “Never mind”, returned (be Captain, (bouc be was evidently dismayed be (be figures; “ans fish that comes (o your net, I suppose?”. “Certainly”, said Mr.Brogly, “But spratsan't whales, You know”. (Ch. Dickens).

Бу гапдаги “An is fish that comes (o his net” Ўзбекчага у ҳеч нарсадан “қайтмайди”, у ҳар бир нарсадан фойда чиқаради”, тарзида таржима қилинади.

2. Кўп маталлар ўз вариантларига эга. Маталларнинг кўплик қисмини ташкил қиладиган лексик вариантларидан ташқари лексик морфологик ва ҳар хил структурага эга бўлган маталлар ҳам мавжуд.

And no one is the wiser (nobody being (be wiser, nobody the wiser) изи йўқолди: қор ёғди, излар босишди. Туя кўрдингми? - йўқ

What good wind brings you here? (What wind blows you here?) -Сизни қайси шамол ўчириб келтирди.

Инглиз тилида юқоридаги структур-семантик турдаги маталлар, яъни очик структурали оборотлар ҳам учрайди.

3. Кўп маталларда олмошларни somebody, something, one's ўзгартириш мумкин. Маталларнинг кўп қисмида one's олмоши ўзгартирилади. Мақолларга эса бундай ўзгаришлар хос эмас.

An one's geese are swans – У ҳамма нарсани бўрттириб юборади.

“Yes said Soames; “I daresay; you think an your geese are swans-never painter who didn't”. (J. Glasworthy)

Баъзи бир маталларда one's олмоши биринчи компонент бўлиб келади.

One's cards are on the (able- ўз сирини очиб, билдириб қўймоқ, ниятини фош қилиб қўймоқ.

One's cup is full- Унинг тоқати тоқ бўлди.

One's days are numbered- Унинг беш куни борми, йўқми.

One's hair stands on end- Сочларим тик туриб кетди; жон-поним қолмади; эсим чиқиб кетди.

One's number is up- Омади кетди; даври ўтган; шарти парти қолган.

Юқоридаги структур-семантик турдаги маталларнинг қўлланилишига бир қанча мисоллар келтирамыз.

Protens: No, King Magnus, our cards are on the table. What have you say? (B. Shaw).

You may not know it, Wassermann, but your days are numbered. (T.Dodd).

The parson's hair fairly stood on end when he heard the evil tune raging through the church. (Th. Hardy).

Маталга fairly равшининг қўшилиши фразеологик бирикманинг экспрессивлигини кучайтиради.

“Leave that place out- or your number's up”. (LB. Priestly).

“We know, our number's are up, so let's get them quickly”. (R Aldington).

Халқ мақоллари шу халқнинг бутун тарихини, ҳаёт йўлини акс эттиради, шунинг учун ҳам ёзувчилар мақолларга тез-тез мурожаат этадилар. Халқ мақоллари бадиий асар тилининг ширали ва таъсирчан бўлишида муқобил услубий воситадир. Образли қилиб айтганда, узукка кўз қандай безак бўлса, мақол ҳам нотикнинг нутқига, ёзувчининг тасвирига ана шундай куч ҳаётийлик бағишлайди- айрим асарларда эпирграф қолиб келтирилган мақоллар шу асар ғоясини, мақсадини яққол ифодалаб туриш учун хизмат қилади :

“To be or not to be”. “Better ate than never”. (W. Shakespeare). “All for one, one for all”. (A. Duta).

“Отнинг ўлими- итнинг байрами”. “Осмон йироқ-ер қаттиқ”. (А.Қахҳор).

Мақоллардан нутқ ёки асар кимга мўлжалланганлигига, фикрни ёрқин қилиши, таъсир доирасига эътибор берган ҳолда ўринли фойдаланиш лозим.

Мақол ва маталлар ёзувчилар, журналистлар ҳаётида битмас-туганмас бойликдир. Улар ўзининг ихчам шакли ва чуқур мазмунга эга бўлиши билан ёзма ҳамда оғзаки услубнинг бошқа формаларидан ажралиб туради.

Гул - гўзаллик, - ёшлик, навқиронлик тимсоли. Энг улуғ ва ҳурматли меҳмонга, ёрга, дўстга гул тақдим қилинади. Тикан эса гулнинг тамом тескариси сифатларига эга. Шунинг учун гўзаллик ва хунуқлик, нафосат ва дағаллик, гул ва тикан мисолида тараннум этади² .

There is no rose without a thorn.

Тикансиз гул бўлмас.

Бундай олиб қараганда, бир-бирига бутунлай қарама-қарши маънони ифодаладиган икки нарса гул ва тикан ўртасида ҳам бирлик бор, уларни бирбиридан ажратиб бўлмайди. Бир-бирига маъноси зид бўлган икки объектнинг контраст кўзғалиши мақолларнинг шакли ва мантиқи учун зарурий воситалардан бири бўлганлигидан бу мақоллар ва маталлар турли тилларда учрайди.

Виждонлилик, илм ўрганиш, дўстлик ғоялари мақол, маталларда асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

“A good conscience is a soft pillow”. “Соф виждон юмшоқ ёстиқдир”.

“It is never late to learn”. Ўрганишнинг эрта-кечи йўқ. Илм олишга интилиш, муҳаббат улуғланади:

“Love is neither bought nor sold”.

“Муҳаббатни сотиб ҳам, сотиб олиб ҳам бўлмайди”.

Мақолларда вақтни бекор тежамлилиқка, кадрлашга, соғлиқни ўтказмаслиқка даъват этилади:

“Lost time is never found again”. “Йўқотилган вақтни ҳеч топишмайди”.

“Good health is above wealth”.

“Яхши соғлиқ бойлиқдан афзал”.

Ёлғончилик, маҳмадоналик, ўғрилиқ, очкўзлик, манманлик каби ярамас ҳоллар аёвсиз фош этилади:

A fatter is worse than a thief.

Ғийбатчи ўғридан хавфлидир.

A lay is not believed even when he speaks the truth.

Ёлғончи рост гапирганда унинг гапига ҳеч ким ишонмайди.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга яқун ясаган ҳолда қуйидагиларни айтишимиз мумкин; мақол ва маталлардан фойдаланишда уларнинг тушунарли бўлиши, ўз ўрнида тўғри ишлатилишига, нутқни аниқ ва таъсирчан қилишига алоҳида эътибор бермоқ зарур.

1.3. Турғун ибораларнинг тил луғат бойлиги шаклланишида тутган ўрни

Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларидан, ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўз ривожланиш қонуниятлари мавжуд бўлади. Инглиз тилида турғун иборалар шаклланишининг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Маълумки, фразеологизмнинг шаклланиши деганда, у ёки бу сўз бирикмасининг фразеологик турғунликка хос бўлган барча элементларни қўлг киритиши назарда тутилади.

Инглиз тилида янги фразеологизмларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи омилларга қуйидагилар киради: ном талаб қилувчи янги тушунчаларнинг пайдо бўлиши; ўз таъсир кучини йўқотган ибораларни янгиси билан алмаштириш эҳтиёжи; айти тарихий даврга оид ибораларга бўлган доимий эҳтиёж.

Сўнги йилларда фразеолог олимларни ФБларнинг ҳосил бўлиш йўллари масаласи тобора кўпроқ қизиқтирмоқда. Бу тил бирликларининг мазмуни, шу жумладан, ФБларнинг структур-семантик хусусиятлари ҳам лингвистикада кам ўрганилган соҳалардан бири бўлиб қолаётганлиги билан боғлиқдир. ФБнинг семантик-фразеологик вариантлари ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштириш учун фразеодеривация асосий усулларини умумлаштириш шу боисдан ҳам муҳим ҳисобланади.

ФБлар мазмуни ҳақида гап кетганда, шуни айтиб ўтиш керакки, фразеологизмлар шунчаки предметлар, ҳаракат, ҳолат ва ҳоказоларни атамайди, балки уларни тасвирлайди. Бундан кўриниб турибдики, ФБ мазмунининг мавҳумлик даражаси юқори бўлади. ФБнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг семантик структурасида ифодалилик элементи кучли бўлади. Фразеологизмлар семантикасининг ўзига хос хусусиятларини лексик семантика билан таққослаганимизда, фразеологизмларнинг контекстуал хусусияти нафақат мустақил маънога эга эканлигида, балки уларнинг семантик мазмуни жонли ва таъсирчан эканлиги билан ҳам

фарқланади. ФБларнинг бу хусусияти, айниқса, муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Инглиз тилида ФБ ҳосил бўлишининг етти хил асосий усуллари мавжуд. Булар:

- 1) ўзгарувчан сўз бирликлари маъносининг ўзлаштирилиши;
- 2) турғун бирикмалар маъносининг ўзлаштирилиши;
- 3) потенциал фразеологизмлар негизида;
- 4) индивидуал-муаллиф иборалари;
- 5) сюжет асосида;
- 6) омонимлар сўз ўйини натижасида;
- 7) ФБлардан (фразеодеривация) янги ФБларнинг ҳосил бўлиши.

Юқорида кўрсатилган олти усул бирламчи фразеологик шаклланишга мансуб бўлса, фразеодеривация иккиламчи фразеологик шаклланишга киради. Бунда янги ФБ тилда мавжуд бўлган фразеологизмларнинг семантик, грамматик ва функционал жиҳатдан ўзгаришларга юз тутиши асосида вужудга келади. Юқорида қайд этилган йўллар билан ҳосил бўлган ФБларни кўриб чиқамиз: with both feet [”қатъият билан”], a little (small) frog in a big pond [”кичкина одам”], go great guns [”гуллаб яшнамоқ”, ”муваффақият қозонмоқ”], a white-collar job [”идорада ишламоқ”, яъни “тоза иш”].

ФБларнинг ҳосил бўлиши асос ва ҳосила ФБлар деган тушунчаларни ва уларнинг ўзаро алоқасини қамраб олади. Бу масаланинг мураккаблиги ва кўп қирраллиги боис, асос ФБлар структурасини алоҳида, ҳосила ФБлар структурасини алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади”.¹ Фразеологик деривациянинг назарий асосларини изоҳлашда генетик аспект муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, бунда тарихий асосларнинг жалб этилиши одатий ҳол ҳисобланади. Оддий қилиб айтганда, “А беради Бни” формуласининг ўзи ҳам тилда қандайдир А нинг мавжудлигини ёки мавжуд бўлганлигини кўрсатиб, Б нинг унга нисбатан иккиламчи саналишини, ёки аксинча, Б га нисбатан А нинг бирламчи эканлигини исботлайди. Бирламчи ёки иккиламчилиқни қайд этиш жараённинг моҳиятини очиб беришга хизмат

килади. Бироқ фразеологик деривация таҳлили фақатгина диахрон аспект билан чекланиб қолмайди. Фразеологизмларнинг шаклланиши ҳодисаси ўз табиатига кўра, бу масалани икки планда ўрганишни талаб қилади:

1.этимологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, диахроник планда (ўрганилаётган ҳодисанинг тарихий ривожланиш босқичларини таҳлил қилган ҳолда);

2.синхрон планда (тил ва унинг қўлланиши лингвистиканинг предмети саналади) [23;187].

Шу боисдан, фразеологик деривацияни ўрганишда тил ҳодисаларига нисбатан ўзаро боғлиқ бўлган ва бир бирини тақозо этувчи мазкур икки ёндошув муҳим аҳамият касб этади.

Фразеологик шаклланиш, у қай тарзда кечишидан қатъий назар, тилни ёрқин, жўшқин, маънодор ФБлар билан бойитади. Айрим неологизмларнинг жамият томонидан қабул қилиниши, айримларининг эса аксинча, инкор қилиниши бир қанча факторларга боғлиқ бўлган ҳодисадир. Энг аввало, бу ҳосиланинг олдига қўйилган номинатив функцияга мос келиш ёки келмаслигига боғлиқдир.Фразеологик деривация натижасида ҳосил бўлган янги ФБнинг шаклланиш жараёнида кўзга ташланадиган ўзгаришлардан бири, бу унинг таркибидаги денотатнинг семантик функцияси бошқа бир денотатга ўтишидир. Бу жараёни Collins-2006; The Concise Oxford Dictionary of Current English-2008; Н. W. Fowler-2008; A. S. Hornby-1999 ва яна бир қатор етакчи изоҳли луғатларда яққол кузатишимиз мумкин. Бунда асос бирлик ҳосила ФБ билан формал ва семантик инвариантлик алоқасини сақлаб қолади: kiss of death – kiss of life, all the fat is in the fire (арх.) – the fat is in the fire .

Фразеологиянинг деривацион ривожланиши замирида фразеологик бирликларнинг (ФБ) ҳосил булишига олиб келувчи мураккаб семантик жараёнлар ётади. Бунда деривацион жараёнларнинг мунтазамлиги одатда куйидаги кетма-кетликда амалга оширилади – ФБ деривацион база сифатида фразеологик сузлардан, бошқа фразеологик бирликларнинг ҳам юзага

келишига асос булиб хизмат килади. Бу куйидаги куринишда амалга оширилади: "ФБ-суз" ва "ФБ-ФБ". Ҳосил бўлган дериватлар (хосилалар) уз навбатида кейинги деривацион муносабатларнинг ривожланишида иштирок этишлари мумкин ва бунинг ҳам натижасида янги сузлар ёки ФБ лар юзага келади. Дастлабки ФБ ларнинг турли хил трансформациялари натижасида ҳам ФБ деривацияси амалга оширилиши мумкин.

ФБларнинг ҳосил булишига олиб келувчи мураккаб семантик жараёнларда куйидаги боскичларни курсатиб утиш мумкин:

- 1) ФБ таркибидаги сузларнинг дастлабки маъноларини йукотиши ёки кучсизланиши;
- 2) ФБ барча таркибий қисмларининг маъноларини узида мужассам этган янги (фразеологик) маънонинг мустаҳкамланиши (турғунлашуви);
- 3) турғун суз бирикмасининг фразеологик маъноси унинг алоҳида таркибий қисмларига узгача куч билан таъсир утказиши.

Тилнинг лексик системаси учун бу умуман янги маъно ҳисобланади. ФБлар турли хил узгаришларга мойил бўлиб, бу каби ўзгаришлар ФБ структурасидаги таркибий қисмларнинг амалга оширилиши мумкин бўлган ўзаро алмашинуви ҳисобига юзага келади, аммо унинг қолган қисмлари ўзларининг доимий хусусиятларини саклаб қоладилар. Бунда ФБ таркибий қисмларининг трансформацияси куп ҳолатларда унга мос келувчи турғун бирикмаларнинг моҳиятига таъсир утказмайди. Масалан,

be all at sixes and sevens = "тартибсиз ҳолда бўлмоқ; ташландик, қаровсиз ҳолда бўлмоқ";

set on six and seven; set on cinque and sice = "сокка ташлаб, катта номерга пул тикиш яъни таваккал қилмоқ" .

Замонавий инглиз тилида қискартирилган иборалар кўп қўлланилади, масалан :

”We had an awful rush today”, Daphne explained wearily. ”Fifty men for lunch and more men for dinner, and everything in the kitchen at sixes and sevens” (K.S. Prichard. Winged Seeds. ch. XXIV).

Фразеологик бирликлар мохиятининг семантик деривацион мураккаблашувиغا улар таркибидаги бир сўз туркумига оид сўзларнинг такрорланиб келиши сабаб бўлади. Қуйида сон сўз туркуми иштирок этган бир қанча мисолларни кўриб чиқамиз:

Three in One, One in Three - муқаддас илохий учлик;

three sheets in the wind – ғирт маст;

to strike twelve the first time (all at once) – тезда ўз қобилиятларини намоён қилмоқ;

ten to one – ўнта биттага қарши, деярли муқаррар;

anger gave him the strength of ten – кучини ўн қарра оширди;

the upper ten (thousand) – аристократия, ҳукмрон табақа;

the ten Commandments – ўнта муқаддас бурч; ва х.к.

Бу йул билан бутун бир ФБлар уяси ҳосил бўлади:

two in two

а) иккига: to cut in two: ўртасидан бўлмоқ;

б) алоҳида;

to put two and two together

а) вазиятга баҳо бермоқ,

б) гап нимадалигини фахмламоқ, ишнинг мохиятини тушунмоқ.

Энди бу мисолларни контекстда кўриб чиқамиз:

It is a game at which two can play, two can play at that game – кўрамиз кимнинг қўли баланд келар экан (ким ғолибликни қўлга киритар экан);

two in distress makes sorrow – бировнинг ғамига шерик бўлмоқ, ғамни камайтиради (БАРС, 1972, т.2, с.679).

”one” сўзи таянч сўз сифатида иштирок этган ФБларнинг ҳосил бўлиши ҳозирги даврда жадал суръатлар билан кечмоқда:

be all one to smb.; be at one (with smb); be one too many; be one too for smb.; suchy one, a; Evil one, The; hot one, a; one and all; one and only the; one by one; one in a thousand; one is not built that way; one or two; one too many (ёки too much) for smb.; ва бошқалар.

Юкорида таъкидлаб ўтилган семантик мураккабликлар тилнинг фразеологик системасида деривацион хилма-хилликнинг вужудга келишига сабаб булади. Фразеологик тадқиқотлар учун материал тўплашда, ҳамда дериватларни фразеологик вариантлардан фарқлаш мақсадида асосан учта назарий асосга амал қилмоғимиз керак.

1. мустақил ФБни дериват(хосила)дан фарқлаш учун асос бирликда семантик ўзгартиришларнинг мавжудлиги;

2. мавжуд фразеологизмни хосила-фразеологизм деб тан олиниши учун унинг ифодаланишидаги, мазмунидаги ўзгаришларнинг мавжуд бўлиши ҳамда у мантиқий нуқтаи-назардан асос фразеологизмга мазмунан яқин туриши лозим;

3. ФБ мазмунига кучли таъсир ўтказмайдиган ва шу боисдан янги фразеодериватларнинг ҳосил бўлишига олиб келмайдиган трансформациянинг мавжудлиги.

Тилда ФБ таркибий қисмларининг турли хил семантик трансформациялари билан кечадиган деривация жараёни бошлангич материал мазмун моҳиятининг бойишига олиб келади [11;66]. Бу каби ходисаларга алоҳида изчиллик билан урганилиши керак бўлган узига хос деривацион ходисалар сифатида қарашимиз мумкин. Масалан, сон сўз туркумига кирувчи таркибий қисмларнинг уз санок хусусиятидан узоклашуви одатда ФБнинг умумий мазмунига бир катор янги маъноларнинг кириб келиши билан кечади:

It is six of one and half a dozen of the other = "Бу худди ўшанинг ўзи";

Everything is at sixes and sevens = "ҳамма нарсанинг оёғи осмондан булди". Бу каби ҳолатларда ФБ таркибига кирувчи сонлар семантик ва функционал мураккабликларни юзага келтиради. Бу эса ФБ деривациясининг

белгиси хисобланади. Мисол учун, it is a game at which two can play two can play at that game = “ кўрамиз кимнинг қўли баланд келаркан” ФБсини олиб қарайдиган булсак, бунда ФБ таркибида юзага келган маълум микдор аналогия қонунлари асосида сузлашув амалиёти жараёнида юзага келади. Бу фикрни исботлаш учун замонавий инглиз тилида мавжуд бўлган қуйидаги ФБларни мисол сифатида келтириб ўтамыз:

The seven virtues = етти эзгу иш, еттита эзгу фазилат;

This seven year(s) day = бу узок вақт мобайнида;

The seven wonders of the world = дунёнинг етти мужизаси;

The seven deadly sins = етти кечирилмас гуноҳ;

With six of everything = қонуний никоҳда бўлмоқ (аёл ҳақида);

The city of the seven hills = ” Рим” ва бошқалар.

Бу каби синонимик қаторларнинг вужудга келиши бир турдаги структурал моделлар асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, қузатувларга қараганда, ФБлар синонимик қаторлари моделлари кўпгина тилларда ўзларининг структурал барқарорлигини сақлаб қолади. Бу эса турли хил тилларда синонимик қаторларнинг шаклланиши универсал эканидан далолат беради [43;59].

Тилда аниқ иборалардан ташқари, тўлиқ бўлмаган яъни бир тилдан бошқа тилга таржима қилинган ибора (калька)лар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг лексик-грамматик таркиби асос ФБниқидан бирмунча фарқ қилади. Лексикография ва таржима амалиётида бу каби иборалар ”фразеологик ўхшашликлар (аналоглар)” деб юритилади.

ФБ ўз таркибида турли хил ўзгаришларни юзага келтира олади, аммо бу ўзгаришлар барча таркибий қисмларни қамраб олади деб айта олмаيمиз. Чунки айрим таркибий қисмлар мутлақо турғун ҳолатда бўлади. Демак, бу ўзгаришлар фақатгина турғун бўлмаган, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, йўл қўйилиши мумкин бўлган ўзаро алмашинувлар натижасида вужудга келади. Мисол сифатида қуйидагиларни қуриб чиқишимиз мумкин.

Be (all) at sixes and sevens = “тартибсиз холда булмоқ, хароба холда булмоқ”;

Set on six and seven

Set on cinque and sice = “энг катта номерга пул тикиш яъни барча нарсани ўртага қўйиб таваккал қилиш”.

Фразеологизмлар шаклланиши жараёнида асосий фразеошакл ҳам у ёки бу даражада ўзгаришга юз тутиши мумкин. Қуйида замонавий инглиз тилига хос бўлган фразеологик бирликнинг шаклланишини мисол сифатида келтиримиз:

It is the last straw that breaks the camel's back . “Охирги хас туянинг белини синдирибди”, яъни “охирги томчи сабр косасини тўлдирди”, контекстда таҳлил қиламиз:

”As the last straw breaks the laden camel's back, this piece of underground information crushed the sinking spirits of Mr. Dombey” (Ch. Dickens, Dombey and Son, ch. II).

1. The last straw – (“охирги томчи (сабр косасини тўлдирган)”, “сабрнинг чегараси”), контекстда: This was the last straw. He was throwing up her lawless girlhood love to her as an offence (Th.Dreiser. The Titan, ch. XIX);

One look showed Swithin his condition. Drunk again. This was the last straw, (J. Galsworthy. Caravan, Salvation of a Forsyte, p.110);

Hector (outraged). This is the last straw, Dad: you have insulted my wife (B. Shaw. Man and Superman, act IV);

2. break the camel's back (“сабр косасини тўлдирмоқ”, “ишни тугатмоқ”), контекстда кўриб чиқамиз:

So Godfrey had at last succeeded, he thought grimly. It was clear that he had supplied the straw that broke the Gestapo camel's back (M. Dodd. Sowing the Wind, ch. XXIII).

Инглиз тилида турғун сўз бирикмалари ҳосил бўлишининг яна бир усули бу алоҳида шахслар билан (ёзувчилар, шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари, журналистлар ва бошқалар) боғлиқ бўлган фразеологизмлардир.

Мисол учун куйидаги фразеологизмлар президентлар номлар улар олиб борган сиёсат билан узвий боғлиқ: big stick - “куч ишлатиш сиёсати”, “куч сиёсати”, lunatic fringe – “экстремистлар”, hat in the ring - “сайлов олди компаниясида иштирок этиш учун” (Т. Рузвельт); New Frontiers – “янги истиқболлар” (Дж. Кеннеди); Silent Majority – “сукутдаги кўпчилик, халқ” (Р. Никсон) ва бошқалар.

Бу турдаги каби семантик фразеологизмлар тилда синалган моделлар асосида шаклланади. Масалан, “адъектив+субстантив” – the forgotten man [“унутилган инсон”, “тақдирнинг ўғай боласи” яъни “ҳеч ким ўйламайдиган инсон” (мазкур ибора ушбу маънода биринчи марта Нью Йорк штати губернатори Ф.Д.Рузвельт томонидан 1932 йилда сайлов олди компаниясида қўлланилган эди).

Фразеологизмлар назариясини систем-луғавий талқинда кўриб чиқар эканмиз, ФБлар нутқда эркин қўлланиш жараёнида омоним сўзлар билан қай даражада беллаша олишини ҳам назардан қочирмаслигимиз керак. ФБларнинг тил системаси билан алоқасини мустаҳкам сақлаб қолган таркибий қисмлари тилнинг лексик, сўз ясалиши ва фонетик системалари томонидан бўладиган таъсирларга кўпроқ мойил бўладилар. Бу ҳолат ФБ таркибий қисмлارининг лексик, сўз ясалиши, фонетик жиҳатларга нисбатан маълум даражада мувофиқлигини фразеологияда ҳам сақлаб қолиш имкониятини беради. Сўз эркин ҳолатда ва ФБ таркибий қисми сифатида қўлланилиши жараёнида ўзаро муносабатга киришиш ёки ўзаро тенглаштириш каби хусусиятларини намоён қилади. Чунки сўз ФБнинг таркибий қисми сифатида ҳам ўзининг айрим ўзгарувчанлик хусусиятларини сақлаб қола билади.

Фразеологик деривация авваламбор фразеологик бирликнинг ҳосил бўлишидир. Бунда ФБ шаклланишининг барқарор усуллари биринчи даражали аҳамият касб этади улар турли омилларга бориб тақалади, чунки фразеологик деривация фразеологик алоқалар, фразеологик шаклнинг турғунлиги, фразеологиялашиш, фразеологияда синонимия ва

вариантдошлик каби ҳодисалар билан бевосита боғлиқ бўлади. Шу боисдан, куйидаги асосий усуллар билан фразеологик бирликларнинг шаклланиши амалга ошади: 1. фразеоформа таркибий қисмларининг парчаланиши; 2. ФБ таркибий қисмининг кенгайиши; 3. фразеоформанинг ўзгариши; 4. қўлланиш жараёнида ФБ таркибий қисмининг ажралиб чиқиши.

Деривацион асос - бу асосланадиган негиз (яъни янги ФБда мужассам бўлувчи мазмун) нинг юзага келишига омил бўлувчи тил ёки нутқ материали ҳисобланади. Бунда сўз ясалишининг лексик-семантик усули қўлланилади.

Фразеологик бирликларнинг ҳосил бўлишини семантик-структурал таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳосила ФБ таркибидаги таркибий қисмлар бошланғич аҳамиятини сақлаб қоладилар. Бунингсиз ФБ ўз ички шакли ва образлилигини йўқотган бўлар эди.

Инглиз тилида ФБлар ҳосил бўлишининг ўзига хос хусусиятлари умумий ҳулосаси шуни кўрсатадики, ФБ ҳосил бўлишининг энг маҳсулдор, самарали усули бу юқори семантик захирага эга бўлган сўз бирикмаларининг тўлиқ ёки қисман ўзлаштирилиши ҳисобланади. Ўзгарувчан сўз бирикмаларининг ўзлаштирилиши натижасида тўла ёки қисман ўзлаштирилган ФБлар шаклланади.

ФБларнинг ҳосил бўлиш йўллари ўрганиш, уларнинг асосини аниқлаш ФБлар вужудга келишининг қонуниятлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беришга имкон яратиб беради. Шу боисдан, узлуксиз равишда янги бирликлар билан бойиб бораётган инглиз тили фразеологик бирликларининг пайдо бўлиш ҳамда ривожланиш қонуниятларини ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш манбаларини таҳлил қилиш шубҳасиз лингвистик жиҳатдан беқиёс аҳамият касб этади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Фразеологияни алоҳида тил системаси сифатида ўрганиш нафақат илмий фразеологик тадқиқотлар, балки амалий ва назарий фразеология учун ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки турли фразеологик луғатлар тузиш жараёнида албатта фразеологик система аниқланади ҳамда унга асосланилади. Фразеология ўзининг алоҳида тил сатҳи ёки системасига эга эканлиги сўнги ярим аср мобайнида етук олимлар томонидан таъкидлаб ўтилди. Фразеологик система ўзига хос хусусиятларга эга. У ўз бирликларининг ҳосил бўлишига кўра лексик системадан фарқ қилади, чунки фразеологизмлар сўзлардан ташкил топади, структурасига кўра сўз бирикмаси ёки гапга тенг. Сўз ва фразеологизмларнинг гап компонентлари сифатида келиши эса умумий ўхшашликдир, лекин фразеологик системанинг бирликлари структурал кўриниши бўйича, баъзилари функциясига кўра гап сатҳига яқин туради.

Агарда тилдаги барча систем элементларнинг доимий ўзаро боғлиқлик хусусиятидан келиб чиқсак, фразеологизмлар куйи сатҳ бирликлари асосида, яъни сўзлар интеграцияси воситасида шаклланади. Юқори сатҳ нуқтаи назаридан фразеологизмларнинг ўзлари худди сўзлар каби гапнинг ташкил қилувчисига айланади. Гаплар фразеологизмларни тўғридан тўғри интеграция қилади, эркин сўз бирикмалари сўзларни гапга олиб киради. Чунки эркин сўз бирикмаси сўз билан гап орасида воситачи сифатида сўзни гапнинг конституентига айланишида асосий ўрин тутаяди. Фразеологизмлар ҳам гапга сўз бирлиги ёки синтагма шаклида, сўз каби тайёр ҳолда киради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, тилнинг фразеологик системаси фактик жиҳатдан мавжуд, лингвистик жиҳатдан ўз белги ва хусусиятлари билан туради. Фразеологик система бирликлари барча тил сатҳи бирликларининг хусусиятларига ўхшаш изоморф белгиларга эгаллиги туфайли лексема ва гап оралиғида жойлашган бирликлардир.

Бундан ташқари фразеология ўзининг парадигматикаси (синонимлар, антонимлар, семантик-синтактик вариантлар) ҳамда синтагматикаси (сўз

бирикмаси шаклидаги иборалар, ўз валентлиги ва дистрибуцияси, фразеологик деривация)га эга ҳамда улар ўзаро муносабатда тўлиқ системани яратадилар. Демак фразеологизмлар сўз каби тилда ўзининг функционал номинация ва коммуникация воситаси вазифасини ўтайдилар. Фразеологизмлар маъноси уни ташкил қилувчи компонентларнинг маънолар интеграцияси (йиғиндиси) асосида кўчма денотатив-сигнификатив йўналтирилган бутунликни ташкил қилади. Фразеологик интеграция асосида тилда янги ташкил топган бирлик маъноси юзага келади. Интеграция даражаси қанчалик юқори бўлса, фразеологизмларни ташкил қилувчи сўзлар ўз маъносидан шунчалик узоқлашади ва, аксинча, интеграция даражаси қанчалик суст бўлса, ибора эркин сўз бирикмаси ва эркин гапга яқин бўлади.

Умуман олганда, фразеологизмлар шаклланишини ўрганиш фразеологияни ўрганишдан бирмунча фарқланади. Чунки фразеологизмлар шаклланиши жараёнида барча фразеологик бирликлар эмас, балки асос бўла оладиган, потенциал, окказионал фразеологизмлар таҳлил қилинади ва улар алоҳида бирлик сифатида эмас, балки семантик структуравий жиҳатдан ўзига мос келувчи гуруҳнинг бўлаги сифатида ўрганилади. Бу ҳолатда нафақат алоҳида олинган асос фразеологик бирликлар, балки, уларнинг маълум категориялари, умумий шаклий ва семантик хусусиятларга эга бўлган асос фразеологизмлар гуруҳлари ҳам ўрганилади. Шунга кўра, фразеологизмлар шаклланишини ўрганиш соҳаси ўз предмети ва тадқиқот методига эга деган хулосага келишимиз мумкин.

Иккинчи боб. Инглиз тили фразеологизмларининг умумий характеристикаси

2.1. Синонимия ва вариантдошликнинг турғун иборалар шаклланишида тутган ўрни.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, тилдаги фразеологик иборалар ўз системасига эга. Ушбу системани шакллантирувчи омиллардан бири бирликларнинг бир-бири билан парадигматик муносабатда бўлиши, яъни синонимик, антонимик, вариативлик ва деривацион ҳамда полисемантик хусусиятларга эга бўлишидир. Лексик системада мавжуд бўлган ушбу парадигматик хусусиятлар фразеологик системага ҳам тўла хосдир.

Тилдаги маъноси ўхшаш фразеологизмлар фразеологик синонимлар дейилади. Улар ҳам лексик синонимлар каби, стилистик жилоси ва ишлатилиш доираси жиҳатидан гуруҳларга ажратилади. Бир қатор тиллар, шу жумладан олмон тили фразеологик синонимларининг структур-семантик, функционал хусусиятлари тилшуносларнинг илмий изланишлари объектига айланди. Ҳар қандай тилнинг фразеологик иборалари аввало стилистик восита сифатида маълум. Шунинг учун бўлса керак, тилда стилистик жилогга эга, бир-бири билан синонимик муносабатда учровчи иборалар жуда кўп. Ушбу фикрни исботлаш мақсадида қуйдаги бир структурага эга бўлган фразеологик синонимларни келтирамиз. Бизнинг назаримизда фразеологик ибораларда абсолют синонимларга мавжуд эмас деган фикр хақиқатга яқинроқдир. Умуман олганда тил ҳеч қачон бир хилликни тан олмайди. Тил ривожини жароёнида қандай янги бирлиг пайдо бўлса бежиз юзга келмайди у ниманидир номлайди ифодалайди. Ушбу ҳолат лексикага ҳам тааллуқли. Л.В.Шевелёва келтирган мисол эса бир фразеологизмнинг лексик вариантыдир.

Ҳақиқатдан ҳам, “ўзаро тенг маънога эга фразеологик синонимларнинг сони жуда оз”. Масалан, деб ёзади У.Турсунов ва бошқа тилшунослар, “бурни кўтарилди” ва “димоғи шишди” иборалари учун умумий

мундарижа “кибрланмоқ” бўлса-да, бу умумий маънонинг гавдаланиши турлича. Бундан катъий назар, “бурни кўтарилди” иборасига нисбатан “димоғи шишди” иборасида маъно жилоси кучлироқ.

Булардан ташқари баъзи фразеологик синонимлар идеографик нуқтаи назардан, яъни ўзига хос нюанслари билан ҳам бир-биридан фарқланади. Масалан, “маст” маъносини ифодалайдиган қуйидаги бирикларни қиёсланг: Булардан ташқари бир қатор фразеологик синонимлар тарихий жиҳатдан ҳамда ўзга тиллардан ўзлаштирилганлиги томонидан ҳам фарқланиши мумкин, лекин бундай ҳодисалар кўп учрамайди.

Луғавий изоҳда фразеологик парадигматик алоқаларнинг мунтазамлиги инглиз фразеологиясида фразеологик бирликлар шаклланишининг мунтазамлигини қуйидаги аспектларда кўриб чиқади: деривация жараёнидаги семантик трансформациялар; ўхшаш ҳосилаларнинг шаклланиши; вариантдошлик, синонимия, антонимия, полисемия негизида изоҳли ва таржима луғатларда фразеологизмларнинг табиатини намоён қилувчи воситалар ҳамда синонимия, антонимия, полисемия каби ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш ва уларнинг таржима ва изоҳли луғатларда ёритилишини таҳлил этиш фразеологизмларнинг асл моҳиятларини очиб беришда катта аҳамият касб этади.

Вариантдошлик фразеоформанинг деривацион янгилиниши сифатида турли хил фразеологик вариантларни (лексик, лексик-грамматик, орфографик, квантитатив ва бошқалар) ўрганишга бағишланади.

Фразеологик вариантдошликни изоҳлашда А.В. Кунин назариясидан келиб чиққан ҳолда иш юритсак мақсадга мувофиқ бўлади “Фразеологик вариантлар-маъносининг миқдори ва сифати, стилистик ва синтактик вазибаларига кўра ўхшаш, қисман турли лексик таркиб, турли сўз шакллари ёки сўз тартиби билан фарқлансада, умумий лексик инвариантга эга бўлган фразеологик бирликлар тури ҳисобланади [27;80].

Фразеологик вариантни тасвирловчи ушбу таъриф кенг тарқалган бўлиб, инглиз тилида мавжуд бўлган ФБларнинг ареал вариантларига айнан мос келади. Ҳозирги замон инглиз тили фразеологиясида қуйидаги ҳудудий вариантлар учрайди:

1. ФБларнинг лексик вариантлашган тури барча вариантлашган ФБларнинг тўртдан уч қисмини ташкил қилади.

Ҳудудий ФБлар лексик таркибининг янгилашиши уларнинг функционал аҳамиятини сақлаб қолиш, оғзаки нутқни бойитиш, уни янада аниқ баён қилиш учун амалга ошади. Масалан:

put the hard word (acid) on (“пул билан иш битирмоқ”, “шилқимлик қилмоқ”);

poke mullock (borack, muck) at (“жиғига тегмоқ, бировнинг устидан кулмоқ”) ва бошқалар.

2. Квантитатив вариантлашиш ФБ таркибининг редукцияга учраши flat out like a lizard drinking: flat out [1) “юз тубан ётиш”, 2) “астойдил меҳнат қилмоқ”];

shoot through like a Bondi tram: shoot through [“дарров қочиб қолмоқ, тўсатдан ғойиб бўлмоқ”],

ёки унинг таркибининг кенгайиши билан амалга ошади:

mad as a snake: mad as a cut snake [1) “ахмоқ, ғалати”, 2) “хафа”],

get on like a bushfire: get on like a proverbial bushfire [“муваффақият қозонмоқ”].

3. Грамматик вариантлашиш ФБ таркибидаги бирон бир сўз грамматик шаклининг ўзгариши билан юз беради: drink with the fly (flies) [“ёлғиз ичмоқ”]; cut a carper (carpers) [“сакрамоқ”].

Синонимия ҳодисасининг фразеологизмлар ривожланишидаги ўрнини ўрганиш, синоним ФБларнинг турли (стилистик, идеографик, стилистик-идеографик) турларини таҳлил қилиш уларни луғат мақоласида таърифлаш жараёнини бирмунча осонлаштиради.

Инглиз фразеологиясининг жадал ривожланиши ФБлар ўртасидаги синонимик алоқаларнинг ривожланишини ҳам тезлаштирмакда. Бунда ҳосила ФБлар кенг тарқалган умуминглиз ФБлари билан синонимик алоқага киришмакда: Масалан,

like a (dying) duck in a thunderstorm //

like a half-stunned (или stunned duck) [“бахтсиз, тушкун кўринишда”].

Аммо кўп ҳолларда синоним ФБларнинг стилистик хусусиятлари бир-бириникидан фарқ қилади. Мисол учун, get a kick [сўзлашув услубидаги ФБ] // get a bang (out of smth.)[жаргон] [“бирон нарсадан завқланмоқ”]. Бунинг натижасида стилистик, идеографик, стилистик-идеографик каби турли хил синоним ФБлар пайдо бўлмакда ва сўзлашув жараёнида фаол қўлланилмакда. Ҳар бир фразеологик синонимнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, унга тўғри баҳо бериш учун уни синонимия уяси ичидаги бошқа синоним ФБ билан қиёслаб ўрганиш лозим. Бу таққослаш натижасида улар орасидаги ўхшаш жиҳатлар ва фарқланадиган томонлари яққол намоён булади. Улар орасидаги фарқлар оз бўлса, бири иккинчисининг урнига нутқ жараёнида қўлланилиш имконияти шунча ортади. Мисол учун кўйидагиларни олиб кўришимиз мумкин:

to come to bat (sl.) “қийин масалага дуч келмоқ, оғир синовга дуч келмоқ”;

to come out (of) the little end (or the horn) “омадсизликка учрамоқ, ахмоқона вазиятга тушиб қолмоқ; мулзам бўлмоқ, шармандаси чиқмоқ;

to spell baker “мушкулотларга дуч келмоқ, мушкул ишни бажармоқ”;

to get oneself into a spot (sl.) “фалокатга йўлиқмоқ, оғир аҳволга тушиб қолмоқ”;

to run against a stump “қийинчиликларга дуч келмоқ”; to go up a tree “ўта мушкул аҳволда қолмоқ”;

to get that way “кўнгилсиз вазиятга тушиб қолмоқ”.

Фразеологизмларни таҳлил қилиш жараёнида вариантдошлик ва синонимиянинг ўзаро алоқасини ўрганиш вариантдошлик ва синонимияни

фарқлашда учрайдиган айрим мураккабликларнинг ечимини топишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Вариантдошлик ва синонимияни фарқлашда бир қатор стилистик факторлар (образлилик, экспрессивлик ва бошқалар) қийинчилик туғдиради. Бу факторларни ФБларнинг асосий хусусиятлари деб биладиган тилшунослар, уларни айнан ўхшашлик тушунчаси билан зид деб биладилар. Мазкур тилшунослар айнан ўхшаш бирликларни вариантлар сифатида баҳолашади. Бунда улар энг муҳим хусусият деб, вариантлар ўртасидаги образнинг умумийлигини билишади. Бунда стилистик белги синонимларни фарқлаш учун хизмат қилади деб ҳисоблайдилар [10;51].

Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар вариантдошликни янада кенгрок талқин қиладилар[10;52]. Уларнинг фикрларича, вариантлар стилистик хусусиятларига кўра, у ёки бу даражада фарқланиши мумкин бўлган қисман ўхшаш бўлган бирликлар саналадилар. Маълум ўзгаришлар вариантларнинг ўхшашлигига путур етказмайдилар. Бу тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, стилистик аспект вариантларни ёки бир пайтнинг ўзида ҳам вариантлар ҳам синонимларни фарқлаш учун хизмат қилади. Шунга кўра, вариантларни турларга ажратиш ҳам сезиларли даражада кенгаяди. Вариантдошлик ва синонимияни тўла тушуниб етиш учун инвариантлик принципига амал қилишимиз керак. Чунки у, нафақат бу ҳодисаларнинг асл моҳиятини кўрсатиб беради, балки вариантларнинг фарқланиши ва уларнинг синонимлардан фарқ қилувчи жиҳатларини очиб беради.

Тилда фаол қўлланилувчи фразеологизмлар ўз вариантларига эгадирлар. Мисол учун қуйидаги мисолларни кўриб чиқамиз:

full as a good (boot, bull, egg) “этикдўздек маст”;

bald as a bandicoot (billiard ball) “кал”;

rough as bags (goats knees) “қўпол”;

silly as a cut snake (wheel, two bob watch) “тўл”.

Тадқиқотлар натижасига таянган ҳолда шуни айтиш лозимки, фразеологик вариантдошлик ҳодисаси турли грамматик қатламларга кирувчи фразеологизмларни қамраб олади:

lean on the broken reed (британизм)

relay on a deceptive support lean on the broken straw (канадизм)

relay on a deceptive support old bloke (buffer, card, codger) (британизм)

a grumbler old coot (канадизм)

a grumbler burst (split) somebody's sides (with laughing) (британизм)

to laugh heartily split somebody's (a) gut (with laughing) (канадизм)

to laugh heartily pile up (stash) the bread (канадизм)

make much money pile up the rocks (британизм)

make much money like five (канадизм) – very quickly at a high speed .

Инглиз тили оғзаки нутқида кўп қўлланилувчи фразеологизмлар бошқаларга нисбатан кўпроқ вариантларига эга ҳисобланади:

амер. jerk (ёки snatch) smb. bald-headed [“ким биландир кўпол муомалада бўлмоқ”];

come (или get) down to cases [“мақсадга кўчмоқ”, “гапнинг пўскалласини айтмоқ”];

fix (или stop) smb's clock [“кимнингдир оғзини ёпмоқ.”];

be (или sit) on a cloud [“жуда бахтли бўлмоқ”] ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, ФБ лексик таркибининг у ёки бу ўзгаришга юз тутиши (масалан, компонентнинг ўзгариши ёки янги элементнинг пайдо бўлиши) ҳодисасини вариантдошликдан фарқлаш лозим ва бу бир қатор ҳолатларда намоён бўлади. Мисол тарзида қуйидаги фразеологизмларни таҳлил қиламиз:

инглиз. ФБ to keep the from the door //

ФБ – австрализм to keep the dingo from the door;

инг. ФБ to set the Thames on fire //
ФБ – австрализм to set the Jarra on fire;

инг. ФБ to sell smb. down the river //
ФБ – австрализм to sell smb. down the creek;

инг. ФБ as sick as a dog //
ФБ – австрализм as sick as a swagman's (blackfellow's) dog.

Бу каби ҳолатларда, одатда, лексик таркибдаги субстантив компонент ўзгаришга юз тутати ва бу ўзгариш натижасида янгиланган ФБ янада чуқур маъно касб этади.

Замонавий инглиз тилида предлогларнинг бошқа бир предлог билан алмашилиши ҳисобига ҳам янги вариантлар вужудга келиши кўп учрайди:

for (амер. in) ages [“бир умр”, “ким қачондан буён”];

set one's cap at (амер. for) smb. [“кимнидир қўлга туширмак “қаллик ови”, “кимнингдир бўйнига осилмак”];

be on (амер. in) the cards [“бўлиши мумкин”] ва бошқалар.

Умуман олганда, вариантдошлик инглиз тили фразеологизмларининг шаклланишида катта ўрин тутати:

crook (lift ёки австрал.bend) one's (ёки the) elbow [жаргон маъносида “бировнинг оёғини яламак”];

make (австрал. throw) eyes at smb. (амер. give smb. the big eye) [“кимгадир кўз сузмак “кўзи билан отмак”];

one's eyes are bigger than one's belly (амер.stomach) [“қорин тўқу, кўзи оч”];

(as) fit (амер. fine) as a fiddle [“соппа соғ”, “бундан яхшиси бўлмайти”];

apart (амер. side) from [“...дан ташқари”];

be (ёки look) rosy about (амер. around) the gills [“соғлом кўринишга эга бўлмак”, “соғ кўринмак”];

get (have ёки take) a new lease of (амер.on) life [“янги ҳаёт бошламак”];

a new lease of (ёки on) life [“куч тўпламак”];

flee (ёки run) for one's life (австрал. flee, go, run for for the lick of one's life) [“олди орқасига қарамай югурмоқ”];

button (ёки zip) one's lip [“оғзини очмаслик”] ва бошқалар.

Вариантдошлик ва синонимия ҳодисаларининг асл моҳиятини тушуниб етишда инвариантлик принциpidан келиб чиқсак, вариантларнинг ўхшаш жиҳатлари, уларнинг синонимлардан фарқли томонларини ажратиш анча осон кечади. Шу боисдан, А.В.Куниннинг вариантлар ҳақидаги назариясига асосланган ҳолда айтишимиз мумкинки, инвариант уларнинг ҳам шаклида, ҳам мазмунида сақланиб қолиши керак. Мазмуний инвариантни кўриб чиқишда биз ФБка денотатив, сигнификатив ва коннотатив маъноларга эга бўлган бир бутун бирлик сифатида қараган ҳолда мурожаат қилишимиз керак бўлади. Булардан ташқари, стилистик аспект ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки у айрим ҳолларда денотатив ва сигнификатив аспектлардан юқори туради ёки улар билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Юқорида таъкидланган барча жиҳатларни инобатга олган ҳолда ўхшаш фразеологизмлар таркибида инвариант белгиларнинг функционал семантик хусусиятларидан келиб чиқиб вариантдош фразеологизмларни аниқлаш мумкин. Бу жараёнда вариантлар ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан бир бирига мос келиши керак.

Мисол учун, ФБлар put the hard word on ва put the hard acid on вариантларнинг иккита маъноси бор: 1) “кимдандир қарзга пул сўрамоқ”, “кимгадир илтимос қилмоқ”, 2) “қизларга тегажоғлик қилмоқ” ва мана шу иккала вариант ҳам тенг кучга эга.

Айрим ҳолларда вариантлар орасида тенгсизлик вужудга келсада, улар вариантларнинг ўхшашлигига путур етказа олмайди. Улар уч хил тарзда намоён бўлади:

1) Вариантлар қўлланилиш доирасининг сонига кўра фарқланадилар. Мисол учун, for all the tea in China (“ҳеч нимага, ҳеч қандай бойликка”) варианты for all the rice in China вариантига қараганда кўпроқ қўлланилади ва кўпроқ коннотатив мазмун касб этади.

2) Вариантлар хронологик кўрсаткичларига кўра ҳам фарқланади. Масалан, poke borak at, poke mullock at, poke borak muck at (биронинг устидан кулмоқ) фразеологизм вариантлари орасида poke borak at фразеологизми энг аввал шаклланганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Чунки ушбу фразеологизмнинг луғатларда пайдо бўлиши 1885 йилга тўғри келади. Stick one's bib in (биронинг ишига бурун сукмоқ) фразеологизмини ҳам мисол тариқасида кўриб чиқадиган бўлсак, кейинги пайтларда ушбу фразеологизмнинг варианты сифатида инглиз тилида poke one's bib in фразеологизми кенг қўлланила бошлади.

3). Вариантлар географик нуқтаи назардан ҳам фарқланадилар. Айрим ҳудудларда кенг қўлланилувчи ФБлар иккинчи бир ҳудудда камроқ қўлланилиши мумкин. Мисол учун, Woolloomooloo Yank (ўзини америкалик сифатида таништирувчи олифта) фразеологизми кўпроқ Сиднейда қўлланилса, Fitzroy Yank фразеологизми Мельбурнда кўп ишлатилади.

Албатта бу факторлар маълум бир шароитларда вариантларнинг ўхшашлигига путур етказиши мумкин. Бунинг натижасида янги мустақил бирликлар юзага келиши мумкин. Мисол сифатида fair dinkum фразеологизмини кўрсатишимиз мумкин. Ушбу ФБнинг варианты бўлган square dinkum фразеологизми яқин яқинларга қадар “ҳақиқий, асл” маъносида қўлланилар эди. Аммо ўзининг жуда ҳам кўп қўлланилиши натижасида fair dinkum фразеологизми яна бир мазмунга (Худо ҳаққи, чин сўзим) эга бўлди. Ушбу фактор натижасида fair dinkum ва square dinkum фразеологизмлари ўзларининг вариантлик хусусиятларини йўқотишди.

2.2. Фразеологияда антонимия ҳодисасининг ўзига хос хусусиятлари

Курраи заминда нимаики яратилган бўлса, барчасининг қарама-қарши томони мавжуд. Ер осмонга, ўт сувга, иссиқ совуққа, узок яқинга, аччиқ ширинга, ёш қарига, оқ қорага, чиройли хунуққа, тоза ифлосга, ҳавас ҳасадга, абжир танбалга, кенг торга, тўғри ўғрига зид яратилган.

Антоним ФБлар изоҳли луғатларда ҳам, таржима луғатларда ҳам бутунлай қарама-қарши маъноли шакллардан ташкил топган. Мисол учун кўйидаги антоним ФБларни кўриб чиқамиз: субстантив антоним ФБлар: inside squatter – “катта фермер” // scrub socky – “кичкина фермер”; феълли антоним ФБлар: keep out of the rain – “кўнгилсизликлардан қочиш” // stir the pot – “кўнгилсизликларга бош суқиш”.

Кўпинча антоним ФБлар инсон феъл-атвори ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган тушунчалар атрофида шаклланади. Антонимик муносабатларда бўлган кўпгина ФБлар бир маъноли ФБлар ҳисобланишади. Мисол учун, to spill the beans (сўзл.) “сирни фoш қилмоқ” ва унинг синонимлари бўлган её to tip the (one’s) elbow = bend the elbow “режани фoш қилмоқ” ва to blow the gab (the gaff) (sl.) “оғзидан гуллаб қўймоқ”; to make a break / a bad break “оғзидан гуллаб қўймоқ”; to let the cat out of the bag “сирни очиб, ўзини сездириб қўймоқ” каби ФБларга to button up (one’s) lip “сир сақламоқ” ФБ антоним саналади.

Кўп маъноли ФБлар ўзларининг битта ёки иккита маъноларигагина антонимларга эгадирлар. Масалан, to sit on one’s hands ФБ биринчи маъноси “аранг қарсак чалмоқ”га to get (give) a big (good) hand “давомий олқишлар билан кутиб олинмоқ” ва to bring down the house “жўшқин кутиб олинмоқ”. Иккинчи маъноси “ҳеч нарса билан шуғулланмаслик”га to come up to the chalk, – “шижоатли меҳнат қилмоқ” ФБ антонимик алоқада бўлади.

To spill the beans (разг.) “сирни очиб қўймоқ, фoш қилиб қўймоқ, оғзидан гуллаб қўймоқ” ва унинг синонимлари to tip the (one’s) elbow = bend

the elbow “сирни очмоқ” ва to blow the gab (the gaff) (sl.) “оғзидан гуллаб қўймоқ, ғийбат қилмоқ, сотқинлик қилмоқ, бирон кимга қарши кўрсатма бермоқ”; to make a break / a bad break “оғзидан гуллаб қўймоқ; нотўғри кадам қўймоқ”; to let the cat out of the bag “кимнингдир сирини очиб қўймоқ, оғзидан гуллаб қўймоқ, ўзини билдириб қўймоқ” каби фразеологизмларнинг барчаси to button up (one’s) lip “сир сақламоқ” фразеологизмининг антонимлари саналади. Ушбу фразеологизмнинг ўзи эса to be under one’s hat “қаттиқ сир сақламоқ”, to draw the curtain(on, over) smth. “ниманидир яширмоқ, оғзини очмаслик.” ва to keep one’s own counsel “ниманидир яширмоқ not to breathe a syllable (a word) “лом мим демаслик, сир сақламоқ фразеологизмлари билан синонимик алоқаларга киришади.

To keep one’s shirt on “хавотир олмаслик, ўзини хотиржам тутиш” фразеологизми ва унинг синоними to hold one’s horse (sl.) “сабрли бўлмоқ, ўзини осойишта тутмоқ” фразеологизми ўзаро синонимик алоқада бўлган бир қатор антоним фразеологизмларга эга. Булар қуйидагилар:

to get in one’s hair “кимнингдир асабига ўйнамоқ, безовта қилмоқ, жонига тегмоқ”;

to have kittens, to have a litter of Kittens “қаттиқ хавотирга тушмоқ, қаттиқ жаҳл қилмоқ, саросимага тушмоқ”;

to go up in the air “жаҳли чиқиб кетмоқ, кучли ҳаяжонга чулғанмоқ”;

to be one’s ear “қаттиқ жаҳл қилмоқ, ўта асабий ҳолатда бўлмоқ, қаттиқ ҳаяжонланмоқ”;

to get somebody’s Indian up “кимнингдир жаҳлини чиқармоқ, кимнидир хафа қилмоқ”;

to throw a fit “ғазабдан қутуриб кетмоқ”;

to have it in for smb. “кимгадир жаҳл қилмоқ”;

to get one’s hammer out “кимдандир ўч олшни истамоқ, ким биландир душманларча муносабатда бўлмоқ, кимнидир хушламаслик”;

to hit the ceiling “қаттиқ хавотирга тушмоқ, қаттиқ жаҳл қилмоқ, саросимага тушмоқ”;

to get under one's skin “кимнингдир асабига ўйнамоқ, кимнингдир жонига тегмоқ.”;

to blow a fuse (a gasket) “қаттиқ хафа бўлмоқ, жаҳлдан ўзини тутиб тура олмаслик, жаҳлдан ўзини йўқотиш”;

to blow one's top (cap, lid, stock) “қаттиқ хафа бўлмоқ”;

to give smb. a pain in the neck “кимнингдир асабига ўйнамоқ, кимнингдир жонига тегмоқ”.

To lay down (to bury) the hatchet “тинчлик ўрнатмоқ, душманликка чек қўймоқ” фразеологизмига to take up the tomahawk “уруш бошламоқ, ҳарбий ҳаракатларни бошламоқ” фразеологизми антоним бўла олади.

To keep the run of something “ишдан бохабар бўлмоқ, ниманидир кўздан қочирмаслик” фразеологизми to lose the run of something “бирон ишдан бехабар бўлмоқ, кимнидир кузатишдан тўхташ” маъноларини берувчи фразеологизм билан антонимик муносабатга киришади.

To do smb. dirt “кимгадир чох қазимоқ, кимгадир ифлослик қилмоқ, ким биландир ёмон муносабатда бўлмоқ” фразеологизми to die dog for smb. “кимгадир ўта вафодор бўлмоқ, ким учундир жон беришга тайёр бўлмоқ” фразеологизмининг антоними саналади.

To cut up soft “соғлигига кўра бирон мусобақада қатнашишга лойиқ бўлмаслик” фразеологизми to be hitting on all four (six) cylinders “ўзини жуда яхши ҳис этмоқ, формада бўлмоқ, ишга лаёқатли бўлмоқ” фразеологизмига антоним ҳисобланади.

Кўп маъноли ФБларнинг айримлари фақатгина ўзларининг у ёки бу маъноларигагина антонимларга эгадирлар. Мисол учун, to sit on one's hands фразеологизми ўзининг биринчи ҳисобланган “қарсак чалмаслик” маъносига антоним сифатида иккита фразеологизмга эга. Улар қуйидагилар:

1. to get (give) a big (good) hand “давомий олқишларга сазовор бўлмоқ”;

2. to bring down the house “эътироф этилмоқ”.

Иккинчи маъносига эса тўлиқ мос келадиган антонимга эга эмас. Мисоллардан кўриниб турибдики, фразеологизмлар доирасида антонимия

ходисасини ўрганиш, уларнинг луғатларда баён қилинилишини таҳлил этиш бирмунча мураккаб саналади ва ўзига хос ёндошувни талаб қилади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Инглиз тили фразеологик бирикмаларининг умумий луғавий характеристикасини мукамал таҳлил қилиш инглиз тилида фразеологик бирликлар ҳосил бўлиш йўллариининг асосий лингвистик хусусиятларинг моҳиятини англашга хизмат қилади. Жумладан,

1. Номинатив характердаги ФБлар энг кенг тарқалган ФБлардан ҳисобланишади ва уларнинг таркибий қисмлари ўзаро бир бири билан узвий боғлиқ бўлишади. Масалан: be (have) dingbats [1] “ахмоқ бўлмақ”; put the fangs (nips, hooks) in [“қарз олмоқ”]; haven't Buckley's (bolter's) [“ҳеч қандай имкониятга эга бўлмаслик; чорасиз қолиш”] ва бошқалар.

2. Феълли ФБлар (ФФБ) гап таркибида қатъий чегараланган тартибда жойлашишади. Уларнинг валентлик алоқалари қуйидаги тўртта структурал моделга таянишади: 1)N1+ФФБ; 2)N1+ФФБ+N2; 3) N1+ФФБ+A; 4)N1+ФФБ+N2+A [N1-субъект; N2-объект; A-ҳол]. Бу ерда бош модел “N1+ФФБ”; қолган моделлар-факультатив моделлар ҳисобланишади. “N1+ФФБ” моделдаги американизмни кўриб чиқамиз: “I might of known he'd show up stewed and spill the beans. Oh maybe the dean won't hand me hell proper”.

3. Инглиз тилининг деривацияга мойил бўлган ФБлари одатда урф одатларга, анъаналарга, этник муносабатларга, табиат ҳодисаларига кўпроқ дахлдор бўладилар:1) вариантлашиш – smoke like a Baptist Day bonfire // smoke too much like a winter tilt (Newfoundland) // smoke too much; 2) синонимия – crowbar palace (slang) – a jail; skookum house (British Columbia, westcoast) – a jail; 3) тематик қатор– moo-moo maker (slang) – a cattle caller // rangland (jockey, slang) – a man who works as a rider a cattle or horse ranch buch popper (British Columbia, slang) – a cowhand who rides in the bush to round up cattle.

Юқорида кўрсатилган мисоллардан кўриниб турибдики, фразеологик шаклланиш, у қай тарзда кечишидан қатъий назар, тилни ёрқин, жўшқин, маънодор ФБлар билан бойитади. Айрим неологизмларнинг жамият томонидан қабул қилиниши, айримларининг эса аксинча, инкор қилиниши бир қанча факторларга боғлиқ бўлган ҳодисадир. Энг аввало, бу ҳосиланинг олдига қўйилган номинатив функцияга мос келиш ёки келмаслигига боғлиқдир.

ХУЛОСА

Тилда мавжуд бўлган турғун сўз бирикмалари (фразеологизмлар, мақоллар, маталлар) шу халқнинг бутун тарихини, ҳаёт йўлини акс эттиради, шунинг учун ҳам ёзувчилар уларга тез-тез мурожаат этадилар. Турғун сўз бирикмалари бадиий асар тилининг ширали ва таъсирчан бўлишида муқобил услубий воситадир. Образли қилиб айтганда, узукка кўз қандай безак бўлса, мақол ҳам нотикнинг нутқига, ёзувчининг тасвирига ана шундай куч ҳаётийлик бағишлайди, айрим асарларда эпиграф қилиб келтирилган мақоллар шу асар ғоясини, мақсадини яққол ифодалаб туриш учун хизмат қилади.

Мақоллардан нутқ ёки асар кимга мўлжалланганлигига, фикрни ёрқин қилиши, таъсир доирасига эътибор берган ҳолда ўринли фойдаланиш лозим.

Мақоллар, фразеологизмлар, маталлар ёзувчилар, журналистлар ҳаётида битмас-туганмас бойликдир. Улар ўзининг ихчам шакли ва чуқур мазмунга эга бўлиши билан ёзма ҳамда оғзаки услубнинг бошқа формаларидан ажралиб туради.

Фразеологизмлар назариясини семантик стилистик жиҳатдан кўриб чиқар эканмиз, турғун иборалар нутқда эркин қўлланиш жараёнида омоним сўзлар билан қай даражада беллаша олишини ҳам назардан қочирмаслигимиз керак. ФБларнинг тил системаси билан алоқасини мустаҳкам сақлаб қолган таркибий қисмлари тилнинг лексик, сўз ясалиши ва фонетик системалари томонидан бўладиган таъсирларга кўпроқ мойил бўладилар. Бу ҳолат ФБ таркибий қисмлارининг лексик, сўз ясалиши, фонетик жиҳатларга нисбатан маълум даражада мувофиқлигини фразеологияда ҳам сақлаб қолиш имкониятини беради. Сўз эркин ҳолатда ва ФБ таркибий қисми сифатида қўлланилиши жараёнида ўзаро муносабатга киришиш ёки ўзаро тенглаштириш каби хусусиятларини намоён қилади. Чунки сўз ФБнинг таркибий қисми сифатида ҳам ўзининг айрим ўзгарувчанлик хусусиятларини сақлаб қола билади.

Луғавий изоҳда фразеологик муносабатларнинг мунтазамлиги инглиз фразеологиясида фразеологик бирликлар шаклланишининг ўзига хос кечувчи қонуниятларини қуйидаги аспектларда кўриб чиқади: фразеологизмлар шаклланиши жараёнидаги семантик трансформациялар; ҳосила фразеологизмларнинг асос фразеологизмлардан фарқланиши; ўхшаш ҳосилаларнинг шаклланиши; вариантдошлик, синонимия, антонимия, полисемия негизида изоҳли ва таржима луғатларда фразеологизмлар ривожланишини намён қилувчи воситалар ҳамда фразеологизмлар шаклланиши жараёнида синонимия, антонимия, полисемия каби ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг таржима ва изоҳли луғатларда ёритилишини изчил таҳлил қилиш фразеологизмлар ривожланишининг асосий қонуниятларини ўрганишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Назарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Либерализация общества, углубление реформ, повышение духовности и уровня жизни народа – критерий и цель всей нашей деятельности. // Собр. соч. -т.15 –Ташкент: “Ўзбекистон”, 2007.С.154-155.
- 2.Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: “Маънавият”, 2008. –Б.138
3. Каримов И.А. Наша высшая цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа // Собр. соч.– т.8. Ташкент: “Ўзбекистон”, 2000. – С. 322-340.
4. Национальная программа по подготовке кадров // Гармонично развитое поколение – основа прогресс Узбекистана. Ташкент: “Шарқ”, 1997. – С. 31-61.
5. Абдуазизов А.А. Матн – когнитив фаолият маҳсули // Til taraqqiyotining qonuniyatlari. – Samarqand: SamDCHTI, 2009. - 23b.
6. Авалиани Ю.Ю. Тексты лекций по компаративно-сопоставительной фразеологии иранских языков. Самарканд: Изд-во Самарканд. ун-та, 1979.- 76с.
7. Авдеева О.И. Всероссийская научная конференция “Фразеология на рубеже веков: достижения, проблемы, перспективы” // Филологические науки. – М., 2000. -№5. – С. 122-125.
8. Алёхина А.И. Исследование системной организации фразеологии современного английского языка (Проблема фразеологических отношений и фразеологических структур): Автореф. дисс.... д-ра филол. наук. – Л.: ЛГУ, 1986.– 37с.
9. Алефиренко Н.Ф. Спорные вопросы семантики.– М.: Гнозис, 2005.– С. 5-6.
10. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии.–Л.:ЛГУ,1963-208с.

11. Анипкина Л.Н. Оценочные высказывания в прагматическом аспекте // Филологические науки. – М., 2000. - №2. – С.58-65.
12. Арнольд И.В. Семантика. Стилистика. Интертекстуальность. –СПб.: Изд-во С. Петербург ун-та, 1999. -444с.
13. Арнольд И.В. Семантическая структура слова в современном английском языке и методика её исследования. – Л.: ЛГУ, 1966.-186с.
14. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – Л.: ЛГУ, 1981.-324с.
15. Арнольд И.В. The English word.- М.: Высшая школа, 1986.-324с.
16. Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии.-М.: Учпедгиз, 1957.- 296с.
17. Ахманова О.С. О стилистической дифференциации слов // Сборник статей по языкознанию.-М.,1984.- С.184-195.
18. Ашурова Д.У. Взаимодействие когнитивной лингвистики, стилистики и интерпретации текста // Филология масалалари.- Тошкент, 2003.-№2.-С.40.
19. Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. – Воронеж: ВГУ, 1996. – 212с.
20. Бакиева Г.Х. Семантика: содержание и выражение // Филология масалалари. – Тошкент, 2003. - №2. –С.5-9.
21. Батырова Г.З. Функционально-семантический аспект окказиональных преобразований английских и русских глагольных фразеологизмов // Теория поля в современном языкознании. Материалы научно-теоретического семинара. Часть V.–Уфа,1999.–С. 171-181.
- 22.Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества.– М.: Искусство, 1996.-445с.
23. Башиева С.К. Стилистический компонент фразеологического значения: Автореф. дисс.... канд. фил. наук.– Краснодар: КГУ, 1995. – 23с.
24. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. I қисм. – Тошкент: Наврўз, 1997. – 93б.

25. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. (Адабий норманинг типлари). II қисм. –Тошкент: Наврўз, 1998. – 133б.
26. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. (Адабий норманинг шаклланиш ва яшаш қонуниятлари). III қисм. Тошкент, 1999. – 140б.
27. Беляевская Е.Г. Понятие «Когнитивная модель» в современной лингвистике (Научно-аналит. обзор) // Реферативный журнал ИНИОН РАИ.- Серия 6. Вып. 2. –М., 1996. – С. 10-28.
28. Берёзин Ф.М. О парадигмах в истории языкознания XX в. Сб. обзоров. – М.: ИНИОН РАИ, 2001. – С.9-25.
29. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974. – 447с.
30. Блох М.Я. Диктема в уровневой структуре языка // Вопросы языкознания. – М., 2000. - №4. – С. 56-67.
31. Блумфилд Л. Язык. – М.: Прогресс, 1986. – 608с.
32. Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. –М.: Изд-во АН, 1963, т. 1. – 384с.; т. 2. – 391с.
33. Болотнова Н.С. О некоторых особенностях и новых направлениях стилистических исследований художественной речи в конце XX в. // Русистика: Лингвистическая парадигма XX века. – СПб.: Изд-во С.Петербур. гос. ун-та экономики и финансов, 1999. – 163с.
34. Бондаренко Г.В. Распределение повторов в связном тексте как основа для обнаружения суперсинтаксических единиц // Научно-техническая информация. – Серия 2. – М., 2005.- №12.- С.20-31.
35. Бушуй А.М. Фразеографические основы украинского толкового словаря // Вопросы филологических наук.-М.,2009.-№6.-С.26-30.
36. Бушуй Т.А. Фразеосистемность в контрастивном лексическом словаре // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. – Нукус, 2001. - №5. – С.92-93.
37. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007.– 274б.

38. Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М.: Русские словари, 1996. – 404с.
39. Вежбицкая А. Понимание культур через посредство ключевых слов. –М.: Языки славянской культуры, 2001. – 288с.
40. Воробьев В.В. Культурологическая парадигма русского языка: Теория описания языка и культуры во взаимодействии.–М.: Изд-во РУДН, 1994. - С.18-28.
41. Воробьев В.В. Лингвокультурология (Теория и методы): Монография.- М.: Изд-во РУДН, 1997. -331с.
42. Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. – М.: ИЛИЯ, 1958. – 459с.
43. Денисенко С.Н. К вопросу о взаимосвязи слово – и фразеобразования (на материале немецкого языка) // Филологические науки.- М., 1997. №1. – С.54-60.
44. Добровольский Д.О. Национально – культурная специфика во фразеологии (1) // Вопросы языкознания. –М., 1997. -№6. – С. 37-49.
45. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов.– М.: Просвещение, 1978. -160с.
46. Жуков В.П. Семантика фразеологических единиц в современном русском языке.- Ростов н/Д.: Изд-во Ростов ун-та, 1979. - 192с.
47. Исмаилов А.Р. Прагматика фразеологии и её текстовая актуализация (на материале окказиональных преобразований фразеологических единиц английского языка). Автореф. дисс.... канд. филол. наук.- Ташкент, 2006.-28с.
48. Йулдошев Б.Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. -Самарқанд: СамДУ, 2007. -108б.
49. Колпакова Г.В. Семантика языковой единицы.–Казань: Изд-во Казанск. ун-та, 2004. – 216с.
50. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – М.: Международные отношения, 1972. - 288с.

51. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1986. – 336с.
52. Ройзензон Л.И. Лекции по общей и русской фразеологии. Самарканд: Изд-во Самарканд. ун-та, 1973. – 223с.
53. Савицкий В. М. Проблема моделирования во фразеологической системе языка (на материале английских глагольных фразеологических единиц): Автореф. дисс. ...д-ра филол. наук. – Самара, 1996. – 36с.
54. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка.– М.: ИИЛ, 1956. - 260 с.
55. Смит Л.П. Фразеология английского языка / Перевод с англ. – М.: Учпедгиз, 1959. – 208с.
56. Умархўжаев М.Э. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси.- Андижон: АДТПИ, 2010.-150б.
57. Bolinger D. Meaning and form. – New York: Longman, 2007. – 312 p.
58. Bushuy T.A. Phraseological Equivalentation as a problem of Contrastive Lexicography // Contrastive Linguistics.– Sofia, 1996. - №1.–P.30-35.
59. Galperin J.R. Stylistics. – Moscow: Higher School, 1977. – 332p.

Луғатлар

1. Англо-русский словарь / Сост.: В. К. Мюллер. –М.: СЭ, 1978. – 912с.
2. Большой англо-русский словарь. – Под общим рук. И.Р. Гальперина.– Т.1-2. – Изд. 2. – М.: Русский язык, 1977. – Т.1. – 822с.; Т.2. – 863с. (БАРС).
3. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь.–Изд.3-е, испр., в двух книгах.–М.: СЭ, 1967.– Т.1. – 738с.; Т.2. – 739-1264с. (АРФС).
4. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь.–Изд.4-е, переработанное и дополненное. – М.: Русский язык, 1984. – 942с. (АРФС).
5. Лингвистический энциклопедический словарь. Под ред. В.Н.Ярцевой.- М.: Большая Российская энциклопедия, 2002.- 709с.

6. A supplement to the Oxford English Dictionary / Ed. by R.W. Burchfield.
– Vol.3. –Oxford: Clarendon Press, 1992. – 1579p.
7. A supplement to the Oxford English Dictionary / Ed. by R.W. Burchfield.
– Vol.4. – Oxford: Clarendon Press, 1996. – 1410p.
8. Barnhart, Clarence L. The second Barnhart dictionary of New English /
Clarence L. Barnhart, Sol Steinmetz, Robert K. Barnhart. – New York: Barnhart
books. – cop. 2008. – XV. – 520p.
9. Collins Dictionary of the English Language. Ed. by L. Urdang, P. Hanks,
Th. H. Long. – London; Glasgow: Collins, 2006. –XXXV, 1690p.
- 10.The Concise Oxford Dictionary of Current English. –Ed. by T.B. Sykes.
– Oxford: Oxford University Press, 2008. – 1312p.
11. Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary of Current English
– London: Oxford University Press, 2005. – 1055p. (ALD).
12. Hornby A.S. The Advanced Learners Dictionary of Current English. –
London: Longman, 1999. – 678p. (ALD)
13. Webster’s New Collegiate Dictionary. – Springfield (Massachusetts): G.
and C.Merriam Com. Publishers, 1990. – 1532 p.
14. Webster’s New International Dictionary of the English Language. –
Springfield (Massachusetts): G and C. Merriam Com. Publishers, 1998. – 3194p.
(WNID)

Бадий адабиётлар

1. Brontë, Charlotte. Jane Eyre. – New York: Charles Scribner’s sons, 2004.-
570p.
2. Dickens, Charles. The Adventures of Oliver Twist.- London: Pan, 1991.-
551p.
3. Dreiser, Theodore. Life, Art and America / Narratives and Stories,
Articles. – New York: Ginn and Company, 1999.- 368p.
- 4.Dreiser, Theodore. Sister Carrie. –London: Faber and Faber, 1998.-596p.

5. Dreiser, Theodore. *An American Tragedy*. – Volume 1.-London: Constable, 2002. - 401p.

6. Galsworthy, John. *The White Monkey and A Silent Wooing*. – New York: Charles Scibner's sons, 1999. - 291p.

7. Green, Graham. *The Man Within*.- Middlesek, England: Penguin Books, 1990.-224p.

8. Hemingway, Ernest. *A Farewell to Arms*. – New York: Basil Blackwell, 1999.-264p.

ВЕБ – САЙТЛАР

1. www.dialog-21.ru/achieve-article.asp?param=6255
2. [http:// www.1september.ru/ru/rus/2004/05/1/htm](http://www.1september.ru/ru/rus/2004/05/1/htm)
3. [http:// kogni.narod.ru/ concept.htm](http://kogni.narod.ru/concept.htm)
4. [http:// www.rusnauka.com /Article//Filology/7-10/59.html](http://www.rusnauka.com/Article//Filology/7-10/59.html)
5. [http:// gazeta.ksu.ru / f10 / publications/2004/rsf_conf_8.php](http://gazeta.ksu.ru/f10/publications/2004/rsf_conf_8.php)
6. [http:// www. vspu.ru / ~axiology/ vik/ vikart 2 htm](http://www.vspu.ru/~axiology/vik/vikart2.htm)
7. [http:// www. prpc.ru / reshr/lib_59..shtml](http://www.prpc.ru/reshr/lib_59.shtml)
8. [http:// www. philology. ru](http://www.philology.ru)